



3

**ХОМ ЁНФОҚ
ЕГАН КЕЛИН**



**АЙТСАНГ,
ТИЛИНГ
КУЯР
ДАРДЛАР**

5




6

**КУЁВНИ КИМ
ТАНЛАШИ КЕРАК?**



**АРЗИМАС
ОДАМГАРЧИЛИК**

16



Умида АХМЕДОВА
сурат-лавҳаси.

Қани, қай биримиз тезроқ улғаяр эканмиз?!

КЕЧА:

→ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш масаласи кўриб чиқилди. Рўйхатга олинган 517 депутатнинг 31,9 фоизини хотин-қизлар ташкил этди.

→ “Sen Yolg‘iz Emassan” Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси ва Ўзбекистон Болалар жамғармаси ҳамкорлигида мамлакатимиз миқёсида “Ҳар бир фарзандга меҳр-эътибор!” мавзuida бошланган ҳафталикнинг илк тадбири пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида бўлиб ўтди.

→ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг бўлиб ўтган навбатдаги пленумида Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчи-

лик палатаси депутатлари, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг масъул ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

БУГУН:

→ Бутун дунё миқёсида Халқаро ахборот куни нишонланади.

ЭРТАГА:

→ Президентимиз Ислom Каримовнинг “Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги қарорига биноан 27 ноябрь дам олиш куни деб белгиланиб, бу муборак айём юртимизда байрам сифатида кенг нишонланади.

→ 1 декабрда Жаҳон СПИД((ОИТС)га қарши кураш куни(1988)га бағишланган саломатлик ва хайрия тадбирлари ўтказилади.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:

Газетамизни самода эмас, ерда кўпроқ ўқишади	3
Элга керак бўлиш бахтдир	4
Қаттиққўллик — тарбиянинг оддий усули	6
Муҳаббатнинг биринчиси... кул қилмасин!	7
Теледастурлар	8-10
Дангасалик ҳақиқатан ҳам касалликими?	11
«Овозинг ўхшайди боламга сенинг...»	14

8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

“Оила — жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга”.

(XIV боб, 63-модда)

Азал-азалдан бизнинг халқимиз оилани муқаддас деб билган, унинг шаъни, қадр-қимматини сақлаб, эъозлашни асосий бурч деб ҳисоблаган. Шу боис ҳам истиқлол йилларида айнан жамиятимизнинг етакчи кучи сифатида оилани мустаҳкамлаш, унинг тинч-тотувлигини таъминлаш ҳар бир фуқаронинг вазифаси эканлигига алоҳида эътибор

шабин бўлиб қараб турмайди. Қўлидан келгунича ҳам моддий, ҳам руҳан кўмак бергиси келади. Совғасалом дейсизми, тўёнами, чин дилдан улашади ва бу табиий ҳол ҳисобланиб, булар ортида ҳеч қандай таъма ёки миннат бўлмайди.

Энди тасаввур қилинг, худди шундай манзарани олис океан орти — Америка ёки Европанинг бирор

билвосита оилалар тақдири билан чамбарчас боғланганлиги боис ҳар бир ота-онага, катта ҳаёт бўсағасига қадам қўяётган ёшларга Ватанимизда оила манфаатини ҳимоя қилишга асосланиб, қабул қилинган қатор қонун ва энг муҳим ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаб олишларида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ишлаяпмиз. Айниқса, Президентимизнинг шу йил 1 апрелда “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-

ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

қаратилди. Ва табиийки, бу Бош Қомусимиз — мамлакатимиз Конституцияси ҳам алоҳида боб сифатида киритилиб, унинг ҳаётимизда тугган ўрни ва нуфузи нақадар улуғлиги қайд этиб кўйилди.

Хўш, бугунги кунда дунё аҳли бевосита бизнинг юртимизда асрлар давомида миллий анъаналар асосида шаклланган оилага давлат сиёсати даражасида бу қадар катта эътибор берилганлиги моҳиятини теран англамоққа интилаётганининг сир-синоати нимада? Энг аввало, бизнинг заминда Оила — Маҳалла — Жамият уйғунлиги аллақачон шакланган ва ўзининг таъсир доираси кенглиги билан бошқа ҳудудларга қиёслаганда алоҳида ажралиб туради. Бу албатта, биз учун табиий ва ҳеч ажабланидиган томони йўқ.

Оддий мисол: бир инсон умид билан ўғил уйлантираяпти ёки қиз чиқармоқда. Эл-улуснинг дуосини олмоқ умидида маҳалла-қўйдагиларни бир пиёла чойга таклиф этади. Биламизки, кимлигидан қатъи назар, бирон хайрли тadbир ўтказилаётган бўлса, ҳеч ким четда томо-


бир давлатидан юртимизга меҳмон бўлиб келган сайёҳлар кўрса, ҳайратга тушади. Улар учун бундай меҳр-оқибат кўрсатиш туйғулари бутунлай бегона. Ёки қишлоқ, овул, маҳаллаларимизда уюштирилаётган оддий маросимлар, ҳашар ёки хайрия тadbирларида ҳам худди шундай боқий қадриятлар бор бўйи билан намоян бўлади. Бундай урф-одатлар бой тарихий ўтмишга эга бўлган халқимизнинг бағрикенглик, меҳр-оқибат бобида бошқаларга ибрат намунаси сифатида бежизга эътироф этилмаётганлигини исботлайди.

Ўз фаолиятим ҳам бевосита, ҳам

да” ҳамда 1 июлдаги “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида белгилаб берилган долзарб масалаларни ҳаётга кенг татбиқ этиш борасида қатор тadbирлар режаси ишлаб чиқилди. Ҳар бир маҳалла, оила ва хонадонлар аҳли билан давлатимиз томонидан фуқароларга барча соҳалар бўйича яратиб берилаётган кенг имкониятлар ҳусусида давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказаяпмиз.

Ана шундай тadbирларнинг аксариятида биринчи навбатда истиқлол даврида бизларнинг ҳақ-ҳуқуқларимиз, яшаш ва ишлаш билан боғлиқ манфаатларимиз кафолатлаб кўйилган Бош Қомусимизнинг ҳаётимизда тугган ўрни ҳусусида кўпроқ тўхталамиз. Чунки бу муҳим ҳужжат бизнинг ота-боболаримиз бир умр орзу қилган инсонларвар жамиятнинг пойдевори мустаҳкам эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Насиба МАМАТҚУЛОВА,
Самарқанд шаҳар
“Никоҳ уйи” мудариси.



Оила ва жамият

почтасидан

«ОДАМ САВДОСИ» МУАММОСИГА БАҒИШЛАНДИ

- Аёл хорижга ишлашга кетса, унинг фарзандлари тарбияси билан ким шуғулланади?
- Фақат одам савдосидан жабрланганларга ёрдам бериш билан чегараланмай, мазкур жиноятга қўл ураётганларга ҳам қатъий чора кўриш шарт.
- Мактаб, лицей, коллежларда тарғибот, ташвиқот ишларини кучайтириш яхши натижа бермоқда.

Бугунги кунга қадар ҳар битта ташкилот ва идоралараро комиссияга кирган аъзолар одам савдосининг олдини олиш ва бу жиноятнинг келиб чиқиш асосларини ўрганиб келди. Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ҳам аҳоли, айниқса, аёллар ва ёшлар орасида тушунтириш ишларини кенг қамровда олиб боришда ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш бўйича ўз тавсия ва таклифларини ишлаб чиқди. Шу боис яқинда Ўзбекистон хотин-қизлари қўмитаси томонидан «Ўзбекистон» меҳмонхонасининг мажлислар залида «Ўзбекистон Республикасининг одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги миллий Қонунчилигига мувофиқ чора-тадбирларни амалга оширишда давлат, жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамкорлигининг ўрни» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тadbирда қатор вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Давра суҳбатини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Акбарова кириш сўзи билан очди. Анжуман давомида одам савдосининг олдини олишда, ушбу жиноятлардан жабрланган аёлларга жойларда қандай ёрдам кўрсатиш лозимлиги, бунда жамоат ташкилотларининг ўрни, барча мутасадди ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисида ўзаро фикр алмашилди. Шунингдек келгусида одам савдосидан жабрланган хотин-қизларга ёрдам бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича янги таклиф ва тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди.

Барно СУЛТОНОВА,
«Оила ва жамият» мухбири.

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТ РЎЙ БЕРСА...

Буни ҳаёт дейдилар. Деярли ҳар қуни турли-туман воқеа-ҳодисаларга гувоҳ бўламиз. Ана шундай пайтда аксарият ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимларининг фидойилигини кўриб, уларга таҳсинлар ўқиймиз. Албатта, бундай вазиятларда улар тун-у кун ҳозир нозир.

Яқинда ушбу вазирликда «Вазирлик тизимида ишлаб чиқарилаётган ҳуқуқий-меъриий ҳужжатлар — аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг муҳим омил» мавзусида оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Ушбу тadbирни ўтказишдан мақсад, ҳар қандай вазиятда аҳолига ўзларининг ҳолисона ердამини етказишга шай турган мазкур тизим вакиллари фаолиятига боғлиқ ҳуқуқий меъриий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини юртдошларимизга муфассал баён этишда ОАВ ходимлари олдида турган вазифалар ҳусусида атрофлича сўз юритилди.

Анжуман сўнггида вазирлик тасарруфидаги бошқармаларнинг масъул ходимлари журналистларни қизиқтирган турли саволларга ҳам жавоб беришди.

Лутфия СУЯРОВА,
«Оила ва жамият» мухбири.

ТЕГИШЛИ ЧОРАЛАР КЎРИЛМОҚДА

«Оила ва жамият» газетасининг жорий йил 22-28 октябрдаги 44-сонида чоп этилган «...ҲАММА НАРСА СОТИЛАДИ!(?)» номли мақола юзасидан «Тошбозортайёрлов савдо» уюшмаси бошқаруви қўйдагиларни маълум қилади.

Мақолада қайд этилган ҳолатларнинг бартараф этиш ва келгусида бундай камчиликларнинг қайтарилишини олдини олиш мақсадига мақола «Янгиобод ихтисослашган бозори» масъулияти чекланган жамияти ходимлари иштирокида 2009 йил 8 ноябрда бўлиб ўтган мажлисда, бозор фаолиятига мутасадди бўлган ташкилотлар вакиллари иштирокида муҳокама қилинди. Мазкур мажлисда бозорнинг масъул ходимларига мақолада келтирилган фактлар бўйича тегишли топшириқ ва тав-

сиялар берилди. Улар бозордаги савдо фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилиши ҳақида



огоҳлантирилди. Бозор маъмуриятидан олинган расмий маълумотга асосан, «Янгиобод ихтисослашган бозори» масъулияти чекланган жамиятига бириктирилган Тошкент шаҳар Ички Ишлар Бош Бошқармаси карантин хиз-

мати бўлими сержанти Б. Раҳимов, Ҳамза тумани ветеринария хизмати врач-эпизоотолог Е.Цой, ветеринария фельдшер Э.Сайфулин ва жамият назоратчиларидан иборат ишчи гуруҳ ташкил этилди. Ушбу гуруҳ томонидан жамият ҳудудида ҳайвонлар билан савдо қилувчи содувчиларга ёввойи қуш ва хайвонлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Қизил Китоб»ига киритилган ҳайвонлар билан савдо қилиш таъқиқланганлиги тўғрисида «Огоҳлантириш хати» тақдим этилди. Бундан ташқари қуш ва хайвонлар савдоси амалга оширилаётган ҳудудда санитария ҳолатини яхшилаш мақсадида дезинфекция воситалари билан доимий ишлов бериш ишлари амалга оширилмоқда.

«Янгиобод ихтисослашган бозори» акциядорлик жамияти ҳудудида мақолада қайд этилган ҳолатларни бартараф этиш ҳамда келгусида бундай ҳолатлар такрорланмаслигини таъминлаш борасида тегишли чоралар кўрилмоқда. **Р.Т. ИНОФОМОВ,** Уюшма бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи.

Ушбу раям остида берилган мақола-лар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Аxbорот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.

ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

БАҒРИКЕНГЛИК БАЙРАМИ



1991 йил, 20 июнь...

Бугун мамлакат бўйлаб кўнгилларни осмон қадар кўтарадиган хуш хабар тарқалди: “Эшитдингизми, ўқидингизми, кеча Президентимизнинг Қурбон ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш ҳақидаги Фармони чиқибди” дея одамлар бир-бирларини қутлагани, суюнишгани ҳамон эсимизда. Чунки неча ўн йиллар давомида бу улуг айёмни халқи-

миз қай даражада ҳадик ва хавтир ила қутиб олгани ёки номигагина нишонлаб келганини ҳаммамиз яхши биламиз. Ва яна бир ибратли жиҳати, юртимизда ҳали мустақиллик эълон қилинмасдан аввалроқ бу савобли ишга жазм этилишининг ўзи алоҳида эътирофга лойиқдир.

Эслайлик, бундан бир неча ўн йиллар аввал боболаримиз, оталаримиз тонг сажар қоронғусида отланиб, пойи пиёда

буқоқ хасталигига олиб келса, ҳомилдор аёлларда эса ҳомила ташлаш ёки ўлик бола туғилиши, марказий асаб тизими фаолиятидаги бузилишлар, ақлий ва жисмоний қобилиятнинг пассивлигини келтириб чиқаради.

Бунинг учун эса аҳоли йод танқислигининг қай даражада хавфли экани ҳақида кенгрок тушунчага эга бўлиб бориши лозим. Шу мақсадда шифокорларимиз томонидан аҳоли орасида тушунтириш

қарларга бориб, бу қутлуг кун ибодатини адо этишарди? Оддийгина ҳайит намозларини ўқиш учун на бир тузукроқ масжид, на тайинли жой бор эди. Панапастқамларда, қору ёмғирлар остида қутиб олинган байрам руҳини деярли сезмасдик ҳам. Бугун-чи?

Улуг истиқлол шарофати туфайли, Ватанимизда Президентимиз раҳнамолигида халқимизнинг бой маънавий қадриятларини тиклаш йўлида амалга оширилган оламшумул ўзгаришлар, улуг зотларнинг руҳлари шод этилиб, муборак қадамжолари обод этилганлиги, шу жумладан, Конституциямизда қатъий кафолатлаб қўйилган виждон эркинлигига қатъий риоя этиш принципларининг изчил амалга ошириладиганлиги, бир сўз билан айтганда, бундай савобли ишларнинг ҳамма-ҳаммаси ҳеч бир шак-шубҳасиз тан олмақ жоизки, буюк келажак сари қўйилган тамал тошларидир.

Эртага юртимизнинг барча гўшаларида меҳр-муруват, бағрикенглик ва хайр-саховат байрами — миллий қадриятларимизнинг яна бир ажойиб намунаси саналган Қурбон ҳайити кенг нишонланади. Шу ўринда бир ҳақиқатни ҳам унутмайлик, бу чин маънода қутлуг тантана, ортиқча даб-дабозлик, “ким ўзар” учун тайёрланган серхашам дастурхонлар тузатиш ёки азадорлардан кўнгил сўраладиган байрам эмас, аксинча, меҳрибонлик, оқибат, иззат-эҳтиром кўрсатиладиган шукҳули шундир. Шундай экан, чин маънода халқимизга хос бўлган энг ибратли ва хайрли урф-одатларимизга амал қилган ҳолда Қурбон ҳайитини қутиб олайлик.

Айёмингиз қутлуг бўлсин, муҳтарам юртдошлар!

ланган туз орқали амалга ошириш энг мақбул усул деб топилган. Шунинг учун туз харид қилаётганда бунга алоҳида эътибор бериш лозим. Ҳўш, бугун сотувдаги тузларнинг йодланганлик даражаси қандай?

— Ходимларимиз томонидан тузни ишлаб чиқариш ва таъминлаш босқичида унинг йодланганлик даражаси ўрғаниб чиқилмоқда, — дейди вилоят ДСЭНМ овқатлаш гигиенаси бўлими мудири Юсуф РАҲИМОВ. — Ху-

✓ «ОБУНА — 2010»

МАКТАБДА ҲАМ ЎҚИШАДИ

Мамлакатимизда чоп этиладиган айрим газеталардаги “Бизни самода ҳам ўқишадими” деган анонс-сарлавҳаларни ўқиганимда, яқиндагина шимолий вилоятлардан бирига сафар қилган муҳбиримиз айтиб берган воқеа эсимга тушади: «Бир идоранинг раҳбари қабулига обуна масаласида кириб, ҳафсалам пир бўлиб чиқди. Қайси газеталарни ўқиб туришини сўрасам, у киши кинояли жилмайиб, “телевизор кўришга вақтим йўғу, сиз мендан газетани сўрайсиз” дебди. Ана сизга оммавий ахборот воситасига бўлган муносабат! Лекин бугун гап бу ҳақда эмас. Аксинча, ушбу хабарни ўқисангиз, кўнгилнинг қутарилади.

Кунини кеча пойтахтимизнинг Яққасарой туманидаги 118-сонли умумтаълим мактабида “Мабуот кунлари” доирасида ўтказилган қизиқарли учрашувда қатнашган, юқоридаги мисолнинг аксини кўриб қувондим. Чунки бу даргоҳда республикамизда чоп этиладиган ўнлаб номдаги турли газета ва журналлар таҳламлири, қолаверса, изланувчан, ўз дунёқарошига эга ҳолис муштарийларимиз — ўқитувчилар жамоаси ҳамда илмга чанқоқ ўқувчиларнинг ўткир тақлиф-мулоҳазаларини эшитиб, ҳар қандай кишининг кўнгли қутарилади. Ва табиийки, шу кунини “Оила ва жамият” газетаси жамоаси, шу жумладан, маъмур таъбирда иштирок этган “Мабрифат”, “Тонг юлдузи” газеталари, “Ғунча”, “Бошланғич таълим” журналлари ижодий ходимлари ҳам янги йил учун ўзларига керакли бўлган қизиқарли ва мунозарали мавзуларни белгилаб олишди.

Шаҳноза РОФИЕВА,
“Оила ва жамият” мухбири.

Шифокор кўригидан уйига келган келинчақ турмуш ўртоғига йиманибгина дўхтирнинг ёзиб берган дорилар рўйхатини узатди. «Тинчликмикан?» деган саволига қисқасига қилиб, «зоб»им бор экан», деб қўя қолди. Қуёв бу гапни она-сига айтди. Қайнона тушмағу «Зоб» бўлса, мана, давоси ҳовлимиздаги ёнғоқ дарахти-да», дея дорилар ёзилган қоғозни ахлат қутисига ташлаб юборди.

Хуллас, аёл келинини даволашга ки-

ХОМ ЁНҒОҚ ЕГАН КЕЛИН

ришди. Ёнғоқ энди туккан, яъни олча да-нагидай бўлган пайт келинига уни бутунлигича ютиб юборишга ундади. Аммо афсуски, бу «даво усули» бошқа бир касалликни келтириб чиқарди. Келинчақни зудлик билан шифохонага олиб боришга мажбур бўлишди.

— Сир эмас, кўпчилик оилаларда йод танқислиги, яъни буқоқ касаллигини ўзла-рича ҳар кимдан эшитиб қолган даволаш усуллари орқали бартафат этишга ҳаракат қиладилар, — дейди Самарқанд вилоят эндокринология маркази раҳбари Софья ГАБЧЕНКО. — Афсуски, бундай ўзбошимчилик қимматга тушаётган ҳоллар ҳам учраб турибди. Тўғри, хом ёнғоқ таркибидея ростида ҳам йод бор. Аммо ҳар бир беморга қанча миқдорда йод зарурлиги ва бунда қандай даво чораларини кўриш кераклигини шифокор билан маслаҳатлашган ҳолда бажариш керак. Ёки бўлмаса кўпчилик сутта бирикми томчи йод кўшиб ичиб юборса бўлди, йод танқислиги хавфи йўқолади, деб ўйлайди. Лекин организмда йод миқдорининг кўпчилиги ҳам бир касаллик тури эканини, кейин уни ҳам даволашга тўғри келишини билишмайди. Аслида, инсон умри давомида бор-йўғи 3-5 г йод истеъмол қилиши лозим. Кундалик миқдор эса ана шу граммларнинг миллиондан бир улусига тўғри келади.

Йод танқислигининг хавфлари нафақат бугунги, балки келажак авлодга ҳам таъсири катта. Болаларда йод танқислиги уларнинг ақлий ривожланишдан ортада қолиш, диққат-эътиборининг заифлашиши, хотираси сусайиши,


ёхуд йод танқислигини қандай енгиш мумкин?



ишлари олиб борилмоқда. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ҳам тарбиёт ишлари доимий равишда ўтказилмоқда.

Тўғри, ҳозирда йод танқислиги хасталигига чалинганлар сони ортиб бормоқда, аммо унинг чуқурлиги, яъни хавфлилик даражаси оз бўлса-да, пасайган. Сабаби, аҳолида бу касалликнинг ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида тушунча пайдо бўлган ва уни ўз вақтида даволашга интилиши кучли.

Йод жуда кўп махсулотларда мавжуд. Лекин бугунги кунда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, яъни организмнинг йодга бўлган эҳтиёжини қондириш йод-



сан, бу борада жорий йил давомида 714 та мониторинг ўтказилиб, 1350 дан зиёд туз намунаси йодланганлик даражасини аниқлаш учун лаборатория таҳлилидан ўтган. Олинган намуналарнинг 27 тасида тузнинг йодланганлиги, 517 тасида эса йод миқдори камлиги аниқланган.

Лаборатория таҳлил натижалари бўйича сифатсиз деб топилган 9873 кг ош тузи қонунда белгиланган тартибда савдодан олиниб, аҳоли истеъмолига ишлатиш таъқиқланган.

Албатта, «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул

қилинганидан хабарингиз бор. Бунга кўра, аҳолининг ўзи ҳам гарчи сотувдаги тузнинг йодланганлигини билса, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадли бўлинмаларига ёки ДСЭНМга мурожаат қилиш ва бемалол бу махсулотни қайтариб бериш ҳуқуқига эгадир.

Шунингдек, бугун ҳар бир хонадонда йодочар синов эритмасининг бўлиши мақсадга мувофиқ.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш лозимки, бугунги кунда жаҳоннинг юздан зиёд мамлакатларида озқувий ва емга ишлатиладиган тузлар йодлаштирилмоқда. Улар бутун дунёдаги барча уй ҳўжалиқларининг 67 фоизидея ишлатилмоқда. Бироқ йодни истеъмол қилиш 54 та мамлакатда ҳозирга қадар етарли эмас. Жануби-Шарқий Осиё, Европа минтақаси ҳамда Марказий Осиёдаги 2 млрд.га яқин одамлар ҳамон йод танқислиги хавфи остида яшамокдалар. Мамлакатимизда ҳар кунини



380 нафар гўдак йод етишмовчилиги туфайли ақлий ривожланишдан ортада қолиш хавфи билан туғилмоқда. Ҳар йили юртимизда оналарнинг ҳомилдорлик пайтида йод танқислиги сабабли 140 миңдан зиёд янги туғилган чақалоқлар ақлий ривожланишдаги қолоқлик хавфи-га дучор бўлмоқдалар.

Мана шу рақамларнинг ўзиёқ кишини сергақ тортишга, соғлигимиз, фарзандларимиз тақдирига безътибор бўлмасликка чорлайди.

Гулрух МЎМИНОВА,
“Оила ва жамият” мухбири.

...Пошшахон момо жуда болажон эди. Қизи билан маслаҳатлашиб, сеvimли невараси Мавлудани ҳамширалikka ўқитди. «Боланинг тоби қочса, дарди дунёнг қоп-қоронғу бўлиб кетади, унинг тили чиқмаган, қаери огриётганини айта олмас... Шунинг учун сен болаларга қарайдиган ҳамшира бўлгин, савоби катта!»,— деганди ўшанда момо.

У момосининг айтганини қилди. Ўқиб, ўрганиб, олдига умид билан келган тилсиз-забонсиз, огриқдан кўкариб ётган бир парча эт — гўдакларни токи ўша кўкимтир митти вужудга қайта жон кириб, кўзлари очилмагунча, унинг ҳам кўзлари очилмас, жони хиқилдоғида турар бўлди... Таниш-нотанишлардан «Мавлудaxonнинг жуда кўли энгил-да, болага жонини бериб қарайди» деган мақтовларини эшитган Пошшахон момо бу гаплардан неча газ ўсди, у ёғини ўзи биларди. Қолаверса, ўшанда Мавлуда туман марказий шифохонасининг болалар бўлимида бош ҳамшира бўлиб ишлар, касбини яхши кўра, хурмат-эътибори ҳам жойида эди. Аммо киз юрагининг бир четиде ёруғ ниёт уйғонди: «Институтга кириб, олий маълумот олсам-чи, балки ана шунда юртимга, болаларга кўпроқ нафим тегармиди?» Унинг бу таклифи уйдагиларга ҳам маъқул тушди: «Ўқигин қизим, эзгуликнинг эрта-кечи йўқ»,— деди аяси ҳам суяниб.

12 йиллик ҳамширалик тажрибаси, кўнгилдаги иштиёқорзулар, олий даргоҳдаги яхши билим олиш ва мураккаб соҳа бўлган тиббиётнинг сир-асрорларини чуқур ўрганиш учун яратилган шарт-шароитлар, чекка бир қишлоқдан келган талабага қанот бағишлади.

Ўқишни муваффақиятли тугатаётганида «Жуда яхши мавзу танлабсиз, институтда қолиб, илмий изланишларингизни давом эттиринг»,— дейишди пойтахтдаги устозлари. Бу ёқда эса «Қишлоғимизга яна бир олий маълумотли шифокор керак, йўлингизга қараб ўтирибмиз»,— дейишарди ҳамқишлоқлари.

Ўқийдан сўнг Деновга қайтган Мавлуда бу ерда бир йил ишлади. Аммо илмга бўлган чанқоқлик, бошлаб қўйган изланишларини охирига етказиш иштиёқи уни яна Тошкентга етаклади. Уни дархол ўзи тахсил олган Тошкент Педиатрия тиббиёт институтига кафедра ассистенти қилиб ишга олишди. Номзодлик мав-

зусини тасдиқлашди. «Болдир-ошиқ ва оёқ қафт бўгинлариде морфологик ва биомеханик кўрсаткичларнинг ёшга қараб ўзгариши» мавзуси бўйича кечаю кундуз изланиб, янги туғилган чақалоқлардан тортиб, 70 ёшгача бўлганлар устида тадқиқотлар ўтказди. Инсоннинг нафақат ёши, балки улар яшаётган шароит, худудларга қараб ҳам жисмда,

ри даврасини кўриш бахтига мўъассар бўлганлардан. Япония, Швейцария, Голландия, Қирғизистон... Бу сафарлар, бу давралар унинг қалбиде ўз юртига, соддадил, бағри кенг, оқибатли инсонларига бўлган муҳаббатини янада оширди. Одамзотнинг табиати шундай: бирон жойга бориб, кўрган нарсасини албатта, ўзиники билан таққослайди. Бундай

ўртасиде ҳам қадр топди, уни ўз қизлариде яхши кўриб қолишди, ҳамма масалада ундан маслаҳат сўраб, мурожаат қиладиган бўлишди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас, уни туман марказий шифохонасига бош врач ўринбосари қилиб тайинлашди. Бир ярим йилдан сўнг эса Мавлуда Қобулова янаде масъулиятлироқ вазифа—вилоят хотин-қизлар кўмитаси

ФИДОЙИЛИК БАХТИ



саломатликда ўзгариш бўлиши мумкинлигини инобатга олиб, олис тоғ қишлоқ аҳолисини ҳам эътиборидан четда қолдирмади. Ўшанда Мавлудaxon инсонда иштиёқ-хоҳиш бўлса, унинг имкониятлари, куч-қуввати чексиз эканлигига илк бор ишонч ҳосил қилди. Илмий изланишлар билан ўтган тўрт йил давомида гоҳ кун ботиб, гоҳ тонг отиб қолганидан хайратга тушар, афсусланар, режаллаган ишларига улгура олмаётгандай шошиларди. Бир кеча-кундузда 24 соат ишлаб ҳам чарчамас эди. Айниқса, устозлари, ҳамкасбларининг эътибори, ғамхўрлиги, тадқиқот ўтказиш давомида учраган кишиларнинг самимий ёрдамлари унинг кучига-куч қўшар эди.

Яна бир эътиборли жиҳати, қахрамонимиз Мавлуда Қобулова ўзининг илмий чиқишлари билан дунё олимла-

қиёслашлар эса ёш олиманинг дилига ҳамиша шўқрона ҳиссини олиб кирди. Лекин... 2003 йили ёлғизгина укасининг вафотидан сўнг Мавлудaxon энди фақат ўзига суяниб қолган онаизорини ўйлаб, Сурхондарёга қайтди.

Айни шу пайтда у институтда ўқув услубий ишлар бўлими бошлиғи, кафедра доцент, шу билан бирга докторлик иши бўйича изланишларни ҳам бошлаб юборган эди.

У ҳар қандай мансаб, илмий унвонлардан кўра, волидаи муҳтарамаси қалбига бахш этиши мумкин бўлган таскин, тасаллини устун кўрди. Қайтди келгач, 150 ўринли кичкинагина қишлоқ шифохонасига ишга жойлашди. Меҳр ва илм ҳамма жойда бирдек қадр топади, деганлари рост экан. Мавлуда Қобулова инсонларга, касбига бўлган беқиёс меҳри, илми билан қишлоқ аҳли

раисалигига тайинланди.

Бир томондан элдошларининг юксак ишончи қалбини ғурур ва қувончга тўлдирса, иккинчи томондан яна шу ишонч қалбга ҳадик ва иккиланишлар соларди. Бу мамлакатимизда хотин-қизларга яратилаётган имконият, ғамхўрлик ва жиддий эътиборнинг мазмун-моҳиятини одамларга етказишдек катта вазифани адо этиш масъулияти эди. Қолаверса, у шифокор, олим. Ўз ишини яхши билади ва яхши кўради. Одамларга ўз соҳасиде кўпроқ нафи тегадигандай туюлаверганди. Лекин кўп ўтмай, вилоятда оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш — айнан вилоят хотин-қизлар кўмитаси ҳамда унинг атрофига жипслашган фаоллар зиммасиде бўлишини чуқур англади. Иш жараёнида кўрдикки, ҳақиқатан ҳам янги вазифа олдинги ишининг уз-

ЖАМИЯТ ВА АЁЛ

вий давоми бўлиб, фақат масъулият ва қамрови кенгроқ эди.

Сурхондарёда бир миллиондан ошиқ хотин-қиз яшайди. Уларнинг ҳаммаси Сурхон замини каби ҳокисор, камтар, камсуқум, олийжаноб. Улар Президентимизнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асариде таъкидланганидек, умр бўйи фидойилик кўрсатиб, ўзларини томчи ва томчи, зарра-зарра эзгу мақсадларга бахшида этаётган ҳақиқий қахрамонлардир. Ана шу фидойи опа-сингиллар саломатлиги, ҳақ-ҳуқуқини муҳофаза қилиш, ижтимоий мавқеини юксалтириш, маънавий дунёсини бойитиш, қалблариде Ватанга, ҳаётга бўлган муҳаббатни камол топтириш энг асосий бурч, масъулият эканлигини у чуқур англаб етди.

Шу сабабдан ҳам бевосита Юртбошимиз, ҳукуратимизнинг қўллаб-қувватлови, қолаверса, вилоят хотин-қизлар кўмитаси саъй-ҳаракати тўғрисида ўтган йили вилоятда 19.336 бўш иш ўринлари яратилди. Тадбиркор ва ишбилармон аёллар сафи кенгайди. Улардан 439 нафарига вилоятдаги турли банклардан 663 млн. сўмлик кам фоизли кредит олиб берилди. Шунинг ҳисобига кўшимча 472 та иш ўрни яратилди. Айниқса, Президентимизнинг меҳнат шартномаси асосиде касаначиликни ривожлантириш тўғрисидаги кўрсатмалари рўзгор, болалар тарбиясидан ортиб, кун бўйи уйдан узилиб кета олмайдиган аёллар учун жуда кўл келди. Сурхондарёда шундай хотин-қизлар ҳисобига 1010 та иш ўрни яратилиб, бу соҳадаги режа 134 фоизга бажарилди. Касаначилар кўли билан 385,7 млн. сўмлик махсулот ишлаб чиқарилди. Вилоят хотин-қизлари орасиде Олий Мажлис Қонунчилик палатасиде фалоят кўрсатаётган, маҳаллий кенгашларда халқ манфаатларини ҳимоя қилаётган хотин-қизлар ҳам бор. Ҳар йили неча ўнлаб фидойи опа-сингилларимиз Юртбошимизнинг Фармони билан ҳукуратнинг юксак мукофотлари билан тақдирланадилар. Хотин-қизлар эришаётган ютуқлар ва уларга кўрсатилаётган юксак эҳтиромлар бежиз эмас. Бу эса Мавлуда Қобуловани тиниб-тинчимасдан янаде жонбозлик билан меҳнат қилишга ундайди.

Жамила ЭРГАШЕВА,
Сурхондарё вилояти.

Пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига беминнат хизмат кўрсатиб, уларнинг узоғини яқин, огирини энгил қилиб келаётган Тошкент шаҳридаги 2519 - автожамланма давлат корхонаси маъмурияти «Д» тоифали ҳайдовчилар ҳамда чиптачиларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ!



Ойлик маошлар қуйидагича:

Ҳайдовчилар учун 550 000 дан юқори.

Чиптачилар учун эса 220 000 дан юқори.

Шунингдек, автожамланма қошида ташкил этилган махсус ўқув курсиде «Д» тоифали ҳайдовчилар ҳам тайёрланади.

Ўқиш муддати 6 ой.

Ҳайдовчилик курсларида ўқиниш хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

1. Паспорт кўрсатилади ва 2 та нусхаси тақдим этилади.
2. Ҳарбий билет (нусхаси тақдим этилади).
3. 3x4 сурат (10 дона)
4. Тиббий маълумотнома (3-сон шаҳар клиник шифохонаси)
5. «В», «С» тоифали ҳайдовчилик гувоҳномадари (нусхаси) албатта тақдим этилади.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Авайхон кўчаси, (собиқ Иркутск) 20-уй.
МУЛЖАЛ: Қорасув 6. **ТЕЛЕФОН:** 266-38-31

Бугун биз маҳалла деган маскан ҳақида кўп ва хўб фахр-ланиб гапириш билан бирга, унинг имкониятлари нақадар катталигини ҳам англаб етдик. Аслида ҳам шундайку-я, аммо бу гаплар фақат тилда ёки қоғозларда қолиб кетмаслиги учун нафақат маҳалла фаоллари, балки барчамиз бирдай ҳаракат қилишимиз лозимлигини унутмаслик керак.

Мисол учун, оилалардаги маънавий муҳит, оналар соғлигига эътибор давлат сиёсати даражасигача кўтарилган бир пайтда маҳалла фаоллари елкасидаги масъулият ҳам яна бир қарра ошди. Ахир, оилалардаги маънавий муҳитни юксалтириш бир-икки тадбир билан рўёбга чиқмайди-да. Хўш, оилада аёллар соғлиги, ундаги фарзандлар камолига ким масъул? Қолаверса, ўша жавобгар инсонларнинг ўзлари қай даражада оила илмидан хабардор? — деган ҳақли савол туғилади.

Шу боис, маҳалла шифокори билан бир кун давомида қатор хонадонларга кирдик.

Биринчи уйга киришимиз билан бизни қирқ ёшга кириб улгурмай тишлари тушган, сочларига оқ оралаб, афтодаҳол холга келган бир аёл кутиб олди. Салом-алиқдан сўнг:

— Синглим, маҳаллага чиқмайсиз, тиббий кўриқдан бош тортибсиз. Тўрт нафар гулдай фарзандингиз бор экан. Яна ҳомиладор бўлибсизу, лекин ҳатто ўзингизни дўхтирга бир кўрсатай ҳам демайсиз, — деган гап бошлашимиз биланок унинг шу атрофда юрган турмуш ўртоғи шахд билан ёни-мизга келди-ю, «Опа, хотин

меники, бу масалани биз ўзимиз ҳал қиламиз», деди. «Хўш, фарзандларингиз ҳаммаси соғломми?» деган саволимизни эшитишни ҳам истамади.

Иккинчи хонадон эса нонинч оила сифатида рўйхатда туради. Уй бекаси 8 фарзанднинг онаси, олти нафарини

хотин, ўнта бўлса ўрни бошқа, ҳаммасининг ризқини Аллоҳ беради», дедим. Мана энди бу ношуқурлар (!) мени бу аёл билан яшатмаяпти...

Аслида, бу уйдаги можаро бир қараганда ахён-ахёнда учираб турадиган кундалик жанжаллардан бири. Аммо отахон

толиқиб қолгани (онанинг бевақт дунёдан

кўз юмгани), натижада бир оиладаги муаммо олтита оилага тарқалиб кетаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Учинчи хонадонга бизларнинг уй эгаларининг ўзлари йўл-

ганича бор экан: келин умуман таомномасига эътибор бермас, доим қуруқ-қаттиқ, сотувдаги маҳсулотлар билан қорнини тўйдириб юраркан. Шифокор келинга қатор керакли тавсияларни билдирди.

— Биргина биз истеъмол қилиб юрадиган қарам, помидор, петрушка, қизил булғор қалампирда мавжуд бўлган С витаминининг ҳомиладорлик пайтида етишмаслиги сабаб фарзандингиз анемия хасталигига чалиниши ёки ҳомиладорликнинг муддатидан илгари тўхтатишига олиб келиши мумкин. Сиз эса сабзавотларни умуман тановвул қилмас экансиз...

Келиннинг кўп нарсалардан хабардор эмаслигига амин бўлдик. Аммо нега бу ҳолатни табиий дея қабул қилишга ҳам ўрганиб қолганмиз?

Соғлигимиз — бойлигимиз, деймиз. Аммо ана шу бойликни қандай асраб-авайлаёмиз? Биргина қимматбахо чинни идишимизнинг бир жойи чертилишига йўл қўймаймиз, мол-ҳоли-миздан бир кунда неча марта хабардор бўлаемиз. Аммо... Оилавий тотувлик, соғлиқ ўрнини ҳеч нарса босолмаслигини эса доим бироз кеч англаймиз. Энг ачинарлиси, бу каби ҳолатларни ҳар битта маҳаллада учратиш мумкин. Ахир дардни кеч англашдан фориғ бўлиш ҳар биримиз учун фойда эмасми?..

Ўғилрой ИҶЛДОШЕВА,
Самарқанд вилояти
Тайлоқ туманидаги Равот маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси.

АЙТСАНГ, ТИЛИНГ КУЯР ДАРДЛАР

уйли-жойли қилган. Еттинчисининг тўйи олди-дан қон босими ошиб кетиб, бу дунёни тарк этган.

Бева қолган эркак уйланди-ю, шу-шу хонадоннинг боши галвадан чиқмай қолди. Ота ўғай онанинг гапларига кириб, ҳар куни фарзандлари билан жанжал қилгани-қилган.

— Отахон, аёлингиз тирик пайти оилангизга ҳамманинг ҳаваси келарди-ку! Энди қариганда фарзандларни «болам-бўтам» деб йўлга солсангиз бўлмайдими? — деймиз оила бошлиғига.

— Бечора опангиз фарзандимиз бешта бўлганда «шуларни яхши тарбиялаб олайлик, энди етар», деди. Мен рози бўлмай, «қўй



айтганидек, бунинг замирида ҳам ҳали фарзандлар туғилмасиданоқ уларни тарбия қилиш масаласи кўндаланг турган эмасмикан? Хўш, фарзанднинг ризқини-ку Худо берибди, аммо тарбияга қолганда ота-она анча йўлакай таклиф қилишди. Аниқланишича, оиладаги ўртанча қиз олий даргоҳга ўқишга кирган экан. Бу хонадон эгаси оддий дехқон, рафиқаси — уй бекаси. Оиладагиларнинг ҳеч бири тиниб-тинчимайди, доим ё китоб ўқиш ё бирон меҳнат тури билан банд. Шунинг учун ҳам, бу хонадон фарзандлари ўқимишли, соғлом, ўзлари, атрофдагиларга бепарқ эмас.

Тўртинчи хонадонда эса қайнонанинг келинига тинмасдан нималардир деб жавраётганини эшитиб қолдик. Келин салом берганча ичкарига кириб кетди, қайнона эса гапиришда давом этарди. «Бу ёшларни тушунмайман, нега яхши овқатланишмайди, ахир ҳомиладор аёл ҳам шунақа бўлади-ми? Кейин боласи қанақа туғилади, ҳайронман». Қайнонанинг куйиб-пиш-

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИГАН

«ESFIR»

ГЎЗАЛЛИК САЛОНИ ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:



Манзил: Тошкент ш., Марказ-5, 59-уй, 29-офис
Тел/факс.: (+99871) 235-55-44,
моб: (+99897) 465-00-44



✓ **Тўй ва тадбирлар учун ажойиб соч турмақлари** турли шаклларга келтириш (сочни майдалаб ўриш)

Бетакрор макияж

Тирноққа оид барча хизматлар (маникюр, педикюр)

Косметология

Професионал соч олдириш

Танага бадий услубда нақшлар чизиш (турли кўринишда)

Стилист-визажист хизматлари

Мижозларга айтилмасдан ўзлари истагандай хизмат кўрсатиш.

Соч ва киприкларни

Шаксиз, муҳаббат энг юксак, илоҳий туйғу. Бундай улуг бахтга эришмоқ учун шу покиза туйғуга муносиб бўлмоқ керак. Бу муносибликни исботловчи янада улурғок тушунчалар ҳам бори, булар никоҳ ва оиладир. Оила қуриш фақат икки ёш ўртасидагина ҳал бўладиган иш бўлмай, балки бутун жамиятга алоқадор масаладир. Чунки ҳар бир балоғатга ет-

юрган қизи чиндан ҳам ўзига муносибми-йўқми, бунни аниқ бил-

мас экан. Халқимизда «Онасини кўриб қизини ол», «Янга кўрган қизни келин қил» — деган нақллар бор. Зийрак қиз учун аввало, унинг онаси, қолаверса, келинони яъни янғаси тайёр дорилфунундир. Албатта, аёллар келин ё куёв танлаш-

риш ё уйига бориб келиш билан тўла маълумот олиш мушкул. Ҳозирги кунда, бир-бирини яхши билмаслик қанча оилаларни барбод қилмоқда. Яна бир оғриқли муаммо ҳақида ҳам сўзлаш керак. Баъзи ота-оналар бемор бўлган қизларини турмушга чиқса, ўғилларини эса уйлан-

«ЭНГ ЗУККО ОИЛА»

Ҳар қандай одамнинг даражаси унинг маънавияти, тафаккури ва дунёқараши билан белгиланади. Айни шу оилаларни четлаб ўтган ҳолатда инсоннинг ҳаёт ва жамиятдаги ўрни ҳақида ҳеч қачон маълум бир ҳулосани айтиб бўлмайди. Зеро, улар инсонни инсон сифатида тугиб турган кўзга кўринмас ботиний устулардир. Одам худди шу устуларга суяниб, қаддини кўтарди, қалбини тиклайди.

«Энг зукко оила» деб номланган (фикр беллашуви) руқиймизни ташкил этишдан қўзғалган мақсадимиз ҳам зукко ўқувчиларимизни тафаккур баҳсига тортиш, тегаран саволларга жавоб излаб, оилавий муносабатлар уюштириш, оиладаги маънавий жараёнларга имкон даражасида таъсир кўрсатишдан иборат эди. Ҳар ҳолда бир неча оилалар ичида ҳар гал газетамизни арақлаганимизда «Энг зукко оила» руқийда берилаётган саволларимиз устида фарзандларингиз билан бош қотирган бўлсангиз, шунинг ўзи бизни мамнун этади. Чунки биз бу саволларни тайёрлаганимизда ҳар бир хонадондаги маънавий муҳитни назарда тутганимиз ва натижаларини ҳам шунга мўлжаллаганимиз. Чунки «Яшаш бу фикрлашдир» деган гап ҳам бежиз айтилмаган.

«Энг зукко оила» фикр беллашувида қўлаб газетхоналаримиз иштирок этишмоқда. Тахририятимизга келаятган юзлаб хатлар, бўлаётган қўнғирқоқлар бунинг исботидир. Айниқса, Андижондан Муассархон Юсупова оиласи, Тошкент шаҳридан Абдумажид Аҳмедов, Навоий вилояти Хатирчи туманидан Отабек Очлов, Тошкент шаҳридан Райишамол Абдулла қизи, Комила Носирова, Севара Ҳошимова, Фотима Содиқова, Тошкент вилоятидан Раъно Пардаева, Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридан Гая Измибетовалар фаол қатнашмоқдалар.

Йил бошида эзгу ният билан бошлаган ўзига хос тафаккур баҳсини йил сўнига яқунлаймиз ва беллашув ғолибни эълон қилиб, махсус совринимизни ўз соҳибига топширамиз.

Демак, шошилинг, ўйланг, топинг ва «Энг зукко оила» деган нома муносиб эканлигини исботланг! Жавобларингизни кутамиз.

ФИКР БЕЛЛАШУВИГА МАРҲАМАТ!

1-САВОЛ: **Луқмони Ҳаким** айтади: «Дунёдаги барча лаззатларни татиб кўрдим, лекин ундан қураширинроғини топа билмадим» дейди. Буюк ҳаким бу ўринда нимани назарда тутган эди?

2-САВОЛ: **Файласуфлар:** Уни «гулшанда ҳам, ҳатто қандайдан ҳам гўзал бўлиши шарт» деганлар. Оила даражасида бир муҳокама қилиб кўринг-чи, бундай шартни қайси санъат турига нисбатан қўйган?

Ғолиблар учун тахририятнинг махсус совғаси бор.

КЕЛИННИ КИМ ТАНЛАШИ КЕРАК? КҮЁВНИ-ЧИ?

ган йигитнинг уйланмоғи, қизнинг қонуний расман ва шаръан никоҳ ордали турмушга чиқмоғи ҳам муҳим фарзлардандир.

Ҳўш, йигит кишининг уйланмоғига фақат унинг бир қизга бўлиши, севгисигина сабаб бўла оладими? Йўқ, уйланиш — севганининг васлига етишмоқдангина иборат эмас. Бу ўзига хос масъулият, шарт, одоб ва ахлоқ мезонларига эга жараёндир.

Бизнинг халқда фарзанд дунёга келиши биланоқ бувию болалар, ота-оналар уни катта ҳаёт оstonаси бўлмиш Оилага — айнан келинлик ва куёвликка, ота-оналикка пухта тайёрлаб боришади. Ҳақли савол туғилади: ҳўш, бўлғуси умр йўлдошини ота-она танлагани маъқулни ёки ўзлари? Маълумотларга қараганда, бизда саксон фоизга яқин келинларни ота-оналар танлашар экан. Нега? Бунинг қандай сир-синоати бор? Энг аввало, ҳар қандай ота-она фарзандига умр йўлдош танлашида камдан-кам ҳоллардагина бемаслаҳат, ўз билганича иш тутиши мумкин. Аксарияти обдон сўраб-суриштиради, керак бўлса, етти пуштигача аниқлашга уринади. Бу ҳам бежиз эмас. Азалий удум шундай. Чунки ёшларнинг ўзлари кўпинча тажрибасизлик туфайли ҳатога йўл қўйишлари, адашишлари табиий. Кўп ҳолларда бу қараш ўзини оқлайди ҳам. Тахлиллар шуни кўрсатяптики, ҳар 100 йигитдан 99 таси учрашиб



са соғайиб кетар, деган умидда уларнинг касалини яшириб узатади, уйлантиради. Ҳўп, бу ёшлар тузалиб кетса-ку яхши, аммо акси бўлса-чи? Бу кўра-била туриб, бировни алдаш, қўйдириш эмасми? Шўнинг учун ҳам ҳўқуматимиз томонидан янги оила қуришга қарор қилган йигит-қизларнинг тўйдан аввал тиббий кўриқдан ўтиши мажбурий этиб белгиланганлиги ниҳоятда хайрли иш бўлди. Демак, шифокорга кўринишдан хайиқанларда билинми, жиддийроқ муаммо бор. Шу боис ҳозир кўпчилик бунни яхши тушуниб қолди: ўғли ё қизининг саломатлигида бирон ўзгариш сезса, дарҳол тиббиётчиларга мурожаат қилишяпти. Чунки эрта бир кун кимга қийин, албатта, ота-онага-да!

Бахт ҳеч кимга тўхфа ё совга қилиб берилмайди, қийналиб, захмат чекиб, йўл топиб, унинг қошига ўзимиз борамиз.

Оила деб аталмиш муқаддас кўрғонда эса яхши иқлим, муҳит яратиш учун аёлга аёллик, эркакка эркаклик илми сув ва ҳаводек кадрли, ниҳоятда зарур!

Тошпўлат АБДУРАҲИМ ўғли

да жуда кўп жиҳатларга (санасак бармоқлар етмайди) эътибор беришади. Бу табиий ва ниҳоятда зарур шартлардир. Лекин совчилик азалдан эркакларга хос иш бўлгани учун бугунги кунда улар ўзлари билмаган ҳолда баъзи хатоликларга ҳам йўл қўяётгани сир эмас. Шу боис аксарият эркаклар асосий масъулиятни аёлларга юклаб қўйишаётгани оқибатида айрим муаммолар келиб чиқмаётганимиз — деган мулоҳазалар ҳам йўқ эмас. Йигит-қизни бир-икки марта учрашти-

кини курсни тугатяпсан, на-сиз этса, ҳўқуқшунос бўласан. Ҳозирча эса сарф-ҳаражатларингни ёзиб юришинг, керак бўлса менга ҳисоб беришинг шарт!

Хуллас, ота-бола бироз жиддийлашиши ҳам. Чунки берилган пулнинг озгинаси бемаврид ишлатилгани аниқ

туялди. Ва табиийки, кўнглимдаги мулоҳазани унга айтдим ҳам. Унинг ўзи шундай изох берди:

«Гап пулда эмас опа, бу менинг назаримда қаттиққўллик ҳам ҳисобланмайди, тарбиянинг оддий бир усули холос. Менинг барча сазй-ҳаракатларим бола-

ТУРМУШ САБОҚЛАРИ

да тарбиялади. Гофиржон ёш бўлишига қарамай, ҳар бир ишда онасининг таянчи, ҳам-фигри ва энг яқин дардқоши эди. Опа-укаларини ўқитиш, уйли-жойли қилишнинг ўзи

мосида худди отамни кўрган бўлишига қарамай. Отамиз Сайфулла Бозоров ҳам халқ дуосини олган инсон эди. Сангзор ҳудудида кўп хайрли ишларга бош бўлганлар. Раҳматли қишлоғимизда ўрта мактаб қурили-

ОТА ҚАТТИҚЎЛ БЎЛСА...

ётганимиз учунми, эрталаб кимларнингдир гўнғир-гўнғирдан уйғониб кетдим. Дастурхон устида ота-бола — Гофиржон ва Тошкентда ўқийётган ўғли Шавкатжонларнинг ўзаро суҳбатига беихтиёр гувоҳ бўлдим.

— Ҳўлим, кеча меҳмонлар билан бўлиб, сен билан тузукроқ гаплаша олмадим ҳам. Яхши келдингми, соғликларинг, ўқишларинг яхшими?

— Раҳмат дада, ўқишларим тўрт ва беш, сессиямиз келгуси ҳафтадан бошланади.

— Ҳаммаси жойида, денг, бу кино, дискотека, туғилган кунлар ҳам «беш»ми?

— Йўқ-е, нималар деяпсиз дада, қанақа дискотека? Ахир дарслар, кутубхонада ўтириб ишлашга вақт етмайпти-ку!

— Қани унда ҳисоб китоб дафтарчангни келтир-чи, сен билан сарҳисоб қилайлик.

— Дада, шу шартни энди, нимага қанча сарфлаганимни ўзим ҳар доим сизга айтаман, ахир энди мен ёш бола эмасман-ку!

— Тўғрию, аммо мана ик-

ёхуд ғаллаороллик Гофиржоннинг ўзига хос «тарбия усули»

бўлгач, кейинги ойга ажратилган пулдан қисқартирилди.

— Гап бундай ўғлим, кўл телефонингни уйда қолдираман. Зарур бўлса, ўзим бу ҳафтада Тошкентга ўтаман, ишим бор. Энди молларга қара. Тушдан сўнг жўнаб кетасан...

Очиғи, бу гап-сўзларга ҳеч қандай муболага қўшганим ёки тўқганим йўқ. Бир рўзгорда ота-бола қандай гаплашишган бўлса шундайлигича келтирдим. Лекин барибир менга Ғаллаоролда «қўли очик, саховатли тадбиркор» деб ном олган, мактаб, йўл қурилишлари, ёрдамга муҳтож инсонларга ҳаммаша кўмак бериб келаятган сазий ва танти Гофиржоннинг ўз ўғлини озгина пулни ортиқча сарфлагани учун бу даражада қаттиқ тергаши аввалига сал ғалати

ларим учун, уларнинг келажаги учун. Ҳўлим Тошкентдан келиб-кейтишига осон бўлсин деб ҳўзир унга енгил машина олиб беришим ҳам мумкин, аммо менинг рўзгоримга қираётган ҳар бир сўм катта меҳнат завзига келаятганини у ҳам билсин, тиркичилик захматини тотиб кўрсин ва ота-онанинг қадрини англаб етсин деяманда...

Гофиржоннинг айтган гапи жуда тўғри эди. Чунки унинг ўзи меҳнат захматларини жуда эрта тотган, отаси вафот этганда у бор-йўғи 10 эди эди. Қўлида чақалоғи, ейман-ичаман деган тўққиз фарзанд билан қолган онаси Маҳкам ҳоланин чиндан ҳам иродаси, имони маҳкам экани, у болаларини ёшлигиданоқ меҳнатга, ҳалолликка, яхшиликка ўргатди, илмли қилди. Уларни одобли, ўзбекона қадриятлар руҳи-

бўлмади, Гофиржон онаси билан жуда кўп қийинчилик, етишмовчиликларни бошидан кечирди. Фақат ҳалол меҳнатгина бу оилани фаровонликка етаклади, бугунги нурули ва тўкин кунларни тўхфа этди. Шўнинг учун ҳам у меҳнат билан топилган ноннинг увоғигача қадрлайди, уни топтаганларни эса сира кечирмайди.

— Баъзан акам кўнғироқ қилиб: «Фотима, бир далага чиқиб келмаймизми!» дейди Гофиржоннинг синглиси. — Далага чиқганимизда экинларини, яратаётган боғларини, қураётган иморатларини кўрсатади, келажак режаларини ўртоқлашади. Катта йўлга асфальт ётқизиш кераклигини, қишлоқ касалхонасини таъмирлаш лозимлигини гапирарди, фикримни сўрайди. Акамни эшитар эканман, унинг сий-

шини орзу қилар эди. Мана яқинда энг аввало, Юртбошимиз ва ҳўқуматимизнинг бекиёс ёрдами ҳамда ғаллаороллик тадбиркорлар саховати туфайли Сангзорда 52 - сонли икки қаватли замонавий мактаб қурилиб, ишга туширилди.

Акам ҳаммага меҳрибон, оқибатли. Танишим, бегонами барибир, ёрдам бераверади. Отамга тортган-да...

Ҳа, ташқаридан бир хил кўринган ҳар бир уйнинг ўз яшаш ва ўз турмуш тарзи, фарзандлар тарбиясида ўз услуби, авлоддан авлодга ўтиб келаятган ўз ҳаёт қонунлари бор.

Гофиржон Бозоров оиласида эса яхшиликнинг ният қилган ва зийнат билган, бахти-тахтини меҳнатдан топган, инсонлар яшайди. Ўз сулоласини ишонган Гофиржон эса бу ажойиб хислатларни тўлагича фарзандлари, яқинлари қалбига синдира олгани, уларга камарбаста ва кераклигини ҳис қилиш билан ҳам бахтиёр сезади ўзини.

Гулпошша ЭРГАШЎҲАЕВА, журналист.

ЯЛҚОВЛИК КАСАЛЛИКМИ?

БЕХАФСАЛАЛИК

Бир аёл гапириб берганди. Унинг олти яшар қизи тувакдаги гулларга сув қуяётган экан. Шу пайт қизча қўлидаги сувни полга тўкиб юборибди. Онаси, қани қизим ўзидан билиб полни артиб олармиким, деб уни кузатиб турибди. Қизча эса дарҳол у ёқ-бу ёққа аланглабди. Пол латтани олиб келишга эриниб, шундоқ бир қадам нарида ухлаб ётган мушугини чангаллаб олибди-да, тезда (!) ўша жонивор билан полдаги ҳалқоб сувларни артиб ташлабди. Дангаса мушук эса, ҳатто уйғониб ҳам кетмабди.

Хулоса: демак, ҳайвонлар одамдан ҳам баттар дангаса экан-да! Биргина мушукнинг ўзи суткасига 16 соат, тошбақа эса ундан ҳам кўпроқ, яъни кўздан баҳоргача кўзини очмагандан кейин...

БЎЛАЙ ДЕСАНГ АЛЛОМА...

Аммо ҳайвонларни тинч қўйиб, ўзимизга қайтсак. Жуда қизик-да: ёшлигимиздан бизни дангаса бўлмасликка чақиритишди, меҳнат қил, ҳаракатчан бўл, деб маъруза ўқишди. Аммо болалигимиздан эшитиб келаётган эртақларимизга қаранг: ўзи кал, боз устига ғирт танбал қаҳрамонлар бирдан омади келиб, маликаларга уйланади. Келиб-келиб ҳеч нарсага интилмаган, қизикмаган эртақ қаҳрамонларнинг елкасига бахт куши кўнади. Ошиғи олчи бўлади. Мурод-мақсадига етади, яъники, ҳақиқий хузув ва оромга. Дарвоқе, бундай ҳодисалар ҳозир ҳам ҳаётда учраб туради. Фақат бошқачароқ кўринишда. Масалан, энди танбал бола учун ота-она мактаб танлайди, дўст топади, университет, касб, иш, ўқиш пулини тўлаш, уйлантириш, маши-


на, уй-жой қилиб бериш, унинг бола чақаларини боқиш, хотинини (эрини) муро-сага келтириш ва ҳоказо... Омадли кал-танбаллардан қаеримиз кам? Боз устига, кўнглимиз ҳам нозик. Аммо буни қарангки, ҳатто кўпчилик даҳолар ҳам ўта дангаса бўлишган экан.

Масалан, яна ўша, "Меҳнат ва фақат меҳнат туфайлигина маймун одамга айлана олган", деган назарияни илгари сурган Чарлз Дарвинни олайлик. Чарлз, нафақат мактабда энг "икки"чи ўқувчи бўлган, балки дарсларда ухлаб қолавериб ҳам ўқитувчиларини хуноб қилиб келган. Узининг она тили бўлмиш инглизчани ўрганиш ўрнига, балиқ овини хуш кўрган. Такасаланган боласини амаллаб университетга ўқишга киритиб қўйган ота-онаси уни ҳеч бўлмаса ҳудожўйлик бўйича таълим олар, деб умид қилишганди. Аммо бунинг ўрнига буюк Дарвин кун бўйи тўшақда ағанаб ётар, зерикканида очик турган деразадан ҳаққа қарғаларни отаркан. Тўшақдан туришга ҳафсала қилган пайтлари эса яқин атрофдаги бирор-бир исловатхонага бориши мумкин экан, холос.

Уинстон Черчилл ҳам мактабда ҳеч қимдан ажралиб турмаган. Агар унинг кўпчилик фанлардан ўта қолоқ бўлганини айтмасак, албатта. Йигит бўлиб улгайгач эса у қизларга ёқиш учун қоматини сақлашга ҳаракат қилган. Аммо у қайси спорт тури билан шуғулланган экан, дерсиз? Унинг "спорт тури" кун бўйи тебранма курсида, оғзида сигара, қўлида коньякки рюмка билан ётишдан иборат бўлган. Черчилл ашаддий чекувчи бўлишга қарамай, кулдондан умуман фойдаланмаган. Сигарет кулини шундоқ эгнига, гиланинг устига, дуч келган жойга қоқиб ўтираверган...

ДАНГАСАЛИК ТУРЛАРИ

Шунга қарамай, дангасалик ҳаммани ҳам тирик мурдага айлантириб қўя олмаган. "Буюк" ялқовлардан ҳам иқтидорли, машхур одамлар етишиб чиққанини кўриб турибмиз. Сиз ҳам дангасалик билан бўлса-да, нимагадир эришишни истасангиз, аввало ўзингизнинг қайси турдаги ялқовлардан эканлигингизни аниқлаб олинг.



1. Нотавон ялқов — улар одатда жисмонан камқувват бўладилар ва асосий вақти беҳол чўзилиб ётишдан иборат. Уларнинг ялқовлиги — кўп ухлашидир. Масалан, Бритни Спирс кунига 12 соат, Пенелопя Брут эса 16 соатлаб ухлайди. Аммо бу уларнинг машхур бўлиб кетишларига ҳалал бермаган.

Бундай ялқовлар, энг муҳими, бўш қолмасликлари керак. Шу боис ҳеч бўлмаса пиёда юринг. Уйғоқ пайтларингизда ҳам бекор ўтирмай, нима биландир шуғулланишингиз урдасидан чиқа олсангиз — марра сизники.

2. Уошмаган ялқов: Улар учун фақат биринчи даражали нарсалар энг му-

ҳим ҳисобланади. Айтилик, "Агар директор бўлсам..." деб ўйловчи бу ялқовлар директорликка тўғридан тўғри эмас, оддий ходим, бўлим бошлиғи ёки бошлиқ ўринбосари лавозимлари орқали етиб бориш мумкинлигини, ҳатто, уйлағилари ҳам келмайди. Шуни унутмангки, иккинчи, учинчи даражали нарсаларсиз биринчи даражали бўлмайди. Яъни ҳеч қачон осмондан чалпақ ёғмайди.

3. Зерикишдан ялқов бўлганлар: Улар ўз ишларини ёқтирмайди ва шу боис ишга номига бориб-келиб юради. Бошқа иш топишга қўрқадилар — унис бундан ҳам баттар бўлса-чи? Бундайларга маслаҳатимиз: бир машғулотдан зерикдингизми, бошқасини топинг, у ҳам ёқмаса, яна бошқасини. Токи ялқовлигингиз тумандек йўқолиб-йитгунча излашда давом этаверинг.

4. Кашфиётчи ялқов: Ялқовлар ичра энг муносибдир. Айнан шу ялқовларни деб инсоният гилдиракдан тортиб, симсиз бошқариладиган телевизор пультигача уйлаб топган.

«Энг қийин вазифани дангасага бер, у барибир энг осон йўлни топади», деган мақол беҳизга айтилмаган.

Агар сиз дангасалик, ортиқча ҳаракат қилмаслигингиз учун нима-ндир кашф этишга ҳафсала қила оласа, унда бундай ялқовликка шарафлар бўлсин! Демак, сиздек ялқовлар туфайли жамиятда янада янги гоёлар туғилади. Шўрлик одамзот ҳаёти янада энгиллашади. Енгил ҳаёт эса бемалол, гам-ташвиш нелигини билмай, дангасалик гаштини суриб ётишингизни таъминлайди. Бунга ҳафсала қилсангиз, албатта.

Дилфуза ЎРОЛ қизи тайёрлади

«КАТТА ТАНАФФУС» ЎҚУВ МАРКАЗИ

Қуйидаги курсларга таклиф қилади

- Уйғур ва европа таомлари, пишириқлар, салатлар, таомларни безатиш
- Юмшоқ ўйинчоқлар ясаш
- Тикувчилик
- Оригами (қоғоздан ҳар хил шакллар ясаш)

- Болалар учун (7 ёшдан 16 ёшгача)
- Олий ўқув юртига тайёрлов курслари
- Сўзлашув курслари (English club)
- Рус тили (грамматика + сўзлашув)
- Хитой тили (грамматика + сўзлашув)
- Компьютер курслари

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ

3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларни рус ва ўзбек мактабларига

- ТАЙЁРЛАШ
- МАТЕМАТИКА
- ЕЗИШ
- ЎҚИШ
- ИНГЛИЗ ТИЛИ
- МАНТИҚ (ЛОГИКА)
- ЭРКИН МАШҒУЛОТ



- Бисер тиқиш ва каштачилик
- Шахмат ва шашка курслари
- Рассомчилик
- Уй ҳамшираси
- Тўкувчилик
- Инглиз тили (грамматика + сўзлашув, абитуриентлар учун, TOEFL)

МАНЗИЛ: Чилонзор-5, 28-уй, 1-хонадон. Метронинг "Хамза" бекати. МЎЛЖАЛ: "Спорт моллари" магазини. ТЕЛ.: 754-30-14, 273-19-09

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

«ZENN-SHANS»

ИЛМИЙ ЎҚУВ МАРКАЗИ

Абитуриентларни олий ўқув юртига ўқишга кириш учун қуйидаги фанлар бўйича тайёрлайди: **кимё, биология, она тили ва адабиёти, математика, физика, инглиз тили, тарих, рус тили. Машғулотларни фан докторлари, фан номзодлари ва дарсликлар муаллифлари олиб борадилар.**

Марказ дарсларининг юқори даражаси сифатига кафолат беради. Назарий ва амалий машғулотлар махсус чуқурлаштирилган дастурлар асосида ҳамда «Ахборотном»лар, имтиҳон вариантлари бўйича ўтказилади. Ҳар бир фан ҳафтаига 3 марта 2 соатдан дарс жадавалига киритилади. Марказдан барча зарур дарслик ва ахборотномларнинг сотиб олиш мумкин.

Машғулотлар сентябр ойидан бошлаб 1 августгача 11 ой давом этади. Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Бизнинг абитуриентларимиз: 2006 йилда - 85%, 2007 йилда - 92%, 2008 йилда - 99% ўқишга қабул қилиндилар.

Натижалар билан марказда танишиш мумкин. Шунингдек, ушбу илмий ўқув марказида рус ва инглиз тилини ўрганиш курслари ҳам бор.

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 2-мавзё, 14-а уй (9 қаватли бинонинг 1-қавати).

Мўлжал: Юнусобод, «Универсам» бекати, «Юнусобод» бозори қаршисида. ТЕЛЕФОНЛАР: 8(371) 212-17-67, 212-34-80. ФИЛИАЛ: Жиззах вилояти, Фалворол тумани, «Мустақиллик» кўчаси, 39-уй.

Тошкент шаҳридаги 7 - автокорхона ОАЖ «Д» тоифали ҳайдовчиларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ!



Ойлик маошлар қуйидаги:

Ҳайдовчилар учун 550 000 дан юқори.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 49. ТЕЛЕФОНЛАР: 279-95-31, 279-95-34

«ТО'РАВЕК ZIYO» ўқув маркази

Ҳурматли ва азиз ота-оналар! Фарзандларингиз келажақда танлаган соҳалари бўйича етуқ кадр бўлишини истасангиз, биз билан ёшлиқдан билим чўққиларини мустаҳкам эгаллашига замин яратасиз, деган умиддамыз!!!

“Эй ўқувчи — бу ҳаётда обрўли, кучли, энгилмас, иродали, бой бўлишинг ягона калити — билимдир. Уни эгалласанг, юқоридагиларга албатта эришасан. Шунинг учун юракдан ўқи, бўлма-са сарсон бўласан!!!”

МАРКАЗ ШИОРИ

I. Лицей ва касб-хунар коллежларига тайёрлаш бўлими.

5-6-7-8-9-синф ўқувчиларини (Вестминстер дипломатия, ҳуқуқшунослик...) лицей ва коллежларга тайёрлаш;
II. Ўзбекистон олий даргоҳларига тайёрлаш бўлими. (Олий милиция мактаби, божхона институти, ҳуқуқшунослик институти, ТДИУ...)

1. Иқтисод йўналиши: Ҳуқуқшунослик йўналиши: Тиббиёт йўналиши: Техника йўналиши: математика, физика, она тили ва адабиёт, тарих, инглиз тили, кимё, биология.

III. Чет эл олий даргоҳларига тайёрлаш бўлими. (АҚШ, Англия, Австралия, Япония, МДХ, ...)

1. Иқтисод йўналиши: Ҳуқуқшунослик йўналиши: Тиббиёт йўналиши: Техника йўналиши: (математика, физика, инглиз тили, кимё, биология).

2. TOEFL дастури (АҚШ программа-си асосида, тилни билувчилар учун)

3. АПС дастури (Англия программа-си асосида, тилни билувчилар учун)

IV. Хорижий тилларни ўрганиш бўлими (гуруҳча 12 киши)

1. Инглиз тили, рус тили, араб тили — сўзлашув гуруҳи (50 000 сўм)

2. Турк тили, хитой тили ва корейс тили (100 000сўм)

Дарсларни конкурсларда голибликни қўлга киритган тажрибали мутахассислар олиб боради. Тингловчилар тест орқали танлаб олинади. Қабул ҳар куни соат 09:00 дан 17:00 гача. Ўқув маркази раҳбарияти дарсларнинг сифатини кафолатлайди. Тингловчилар ўқитувчини танлаш имкониятига эга. Вилоятдан келганлар ётоқхона билан таъминланади. Машғулотлар гуруҳлар тўлишига қараб бошланади.

МАНЗИЛ: «Хадра» меҳмонхонаси, 6-қават. МЎЛЖАЛ: Тошкент давлат цирки биноси ёнида. ТЕЛ.: 244-26-09, 244-26-34.

Хар йили бутун дунё ахлини ташвишга солиб келаётган ОИВ— одам иммунитет танқислиги вирусининг сўнгги босқичи ҳисобланган ОИТС касаллигига чалинмаслик учун асосан нималарга эътибор бериш лозимлиги ҳамда унга қарши кураш бўйича турли хил мавзуларда тадбирлар ўтказилади, тадқиқот-тажрибалар натижалари таҳлил этилиб, Жаҳон Соғлиқни сақлаш Ташкилотининг бу борадаги тавсиялари тақдим қилинади. Хуллас, ҳозирча “бедаво дард” сифатида тадқиқ этилаётган бу касалликка чалинмасликнинг энг осон йўли — унинг олдини олиш эканлиги алоҳида қайд этилаётган бир пайтда, республикада, хусусан, вилоят ва туманларда ҳам ана шу


1 ДЕКАБРЬ — ЖАҲОН СПИД(ОИТС)ГА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ

белгилаб берилган вазифаларни изчил амалга ошириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилиб, бу борада кенг қўламдаги тушунтириш ишлари олиб бориляпти.

— Биласиз, ҳар йили 1 декабрь Жаҳон СПИД(ОИТС)га қарши кураш куни сифатида нишонланиб, дунё миқёсида бу дахшатли хасталикни бартараф этиш масаласи атрофлича муҳокама қилинади, қолаверса, турли хил сабаблар туяғули бу оғир дардга чалинганларга ҳар жихатдан кўмак бериш чоралари кўрилади. Хайриятки, бизнинг юртимизда бундай хасталик билан оғриганлар кам. Лекин шундай бўлса-да бир лаҳза хотиржамликка, бепарволикка

идора ва ташкилотлар билан бу борада ҳамкорликда самарали фаолият юритмоқда. Шу йилнинг 18 мартда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан “Туғруқ муассасаларида онадан болага ОИТС инфекциясининг ўтиши олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги буйруғи ижросини таъминлаш бўйича июнь ойидан бери бевосита тажрибали акушер-гинеколог Замира Жўраева раҳбарлигида ВИЧ инфекциясини текшириш бўйича тиббиёт ходимлари ўқитилди ва шу гуруҳ шифокорлари тумандаги олти юзга яқин ҳомиладор аёлларни назоратдан ўтказишди. Чунки бу хавфли инфекция ҳомиладорлик даврида, туғиш ва эмизиш жараёнида ҳам онадан болага ўтиши мумкинлиги аниқланган.

ФОЙДАСИ КЎП, ЛЕКИН...



ТАБИАТ—ДОРИХОНА

Халқ табиатида бу мева камқонликда, тоза қон ҳосил қилишда, фалажлик иллатлари, юзининг қийшайиши, буйракни бакуват қилишда қўлланилади. Бел оғриғида, тана бўғинларини юмшатишда эм бўлади. Хурмони сувда қайнатиб, ялпиз барги билан ичилса, балғамни, иситмани даф қилади. Буйрак ва қовуқ тошларини майдалашда наф беради. Хурмо меваси янги соғилган сутга долчин билан аралаштириб, бир кун сақлаб, сўнгра ичилса, жинсий заифликда фойда қилади.

Хурмоннинг нафақат меваси шифобахш, балки унинг барглари ва пўстлоқлари ҳам фойдалидир. Халқ табиатида қурилган баргларининг қуқуни қон тўхтатувчи, пешоб ҳайдовчи, қон босимини туширувчи восита сифатида қўлланилади. Пўстлоқларидан тайёрланган дамлама ич кетганида, безгакда тавсия этилади. Пўстлоқ дамламаси ачиқтош билан бирга оғиз бўшлиғи яллиғланишида фарға қилинса даво бўлади.

Буюк аллома Абу Али ибн Сино хурмони шундай таърифлаган. «...Ични қотиради, хурмо данаги қуйдирилгани ёмон яраларни тез тузатади. Ўзаги, мағизи халқумнинг дағаллиғида фойда қилади, қуюқ сурмаси қовоқари чакқанда шифодир».

Тиббиётга хурмо ошқозон-ичак хасталикларидан, жароҳат ва яраларни даволашда тавсия этилади. Лекин яна бир жиҳати, уни меърида истеъмол қилиш керак. Айниқса, сурункали қабзият, бавосил (геморрой), қандли диабет билан хасталанган кишилар бу мевани истеъмол қилишда эҳтиёт бўлишлари керак. Хурмо бош оғриғини келтириб чиқариши, оғизда ёмон таъм ҳосил қилиши мумкин. Кўзда оғрик пайдо бўлади. Қонни қуйдиради. Бундай пайтларда анор суви, сканжабин (сирка асали), ширин бодом истеъмол қилинса, зарари барҳам топади.

Хурмо еган одамга совуқ сув ичиш тавсия этилмайди.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос.

НОМИ ҲАМ, АСОРАТИ ҲАМ ЁМОН

жиддий муаммога эътибор кучайтирилмоқда.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БЕКОБОД ТУМАНИ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ БОШЛИГИ ШУҲРАТ МАМАДАЛИЕВ билан тайёрланган суҳбатда аҳоли ўртасида шу ва шу каби хасталикларни келтириб чиқарувчи айрим омиллар билан боғлиқ мавзуларда олиб борилаётган ишлар хусусида сўз юритилади.

— Туманимиз худудидаги 44 та маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳар бирига биттадан шифокор бриктирилган, — дейди суҳбатдошимиз. — 23 та кишлоқ врачлик пунктлари халқимизга беминнат хизмат кўрсатмоқда.

Масалан, жорий йилнинг бошидан бери “Саломатлик-2”, “Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш” инвестиция лойиҳалари асосида туманимизнинг 10 та врачлик пунктларига умумий ҳисобда 30 миллион сўмлик замонавий тиббиёт ускуналари келтирилди. Юртбошимизнинг шу йил 13 апрелдаги “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан

берилишга ҳаққимиз йўқ. Шундай экан, бу борада туман тиббиёт бирлашмаси томонидан қандай тарғибот тушунтириш ишлари амалга ошириляпти?

— Бугунги кунда замонавий тиббиётнинг олдида жуда катта глобал муаммолар пайдо бўлгани сир эмас. Ҳар қандай хасталик қайси турда бўлишидан қатъи назар, у хоҳ узоқ Японияда тарқалганими, Африкадами, барибир, жаҳондаги барча мутахассис шифокорларни ўйлантириши табиий. Шу маънода неча ўн йилларки, керак бўлса ҳар бир фуқарони баб-баравар ташвишга солиб келаётган ОИТС балосига қарши курашда биз ҳам ҳеч қачон четда турмаслигимиз керак. Олайлик, касални яширган билан унинг иситмаси ошқор қилиб қўяди-ку! Шунинг учун ҳар қандай вазиятда ҳам биринчи навбатда профилактика, тушунтириш, тарғибот ишларини бир лаҳза ҳам бўшаштирмаслигимизни даврнинг ўзи талаб қилаяпти.

Бирлашмаимиз маъмурияти туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, хукукни муҳофаза этиш органлари, “Маҳалла” жамғармаси туман бўлими, ФХДЁ бўлими, хуллас, барча

Шунингдек, туманимиз худудидаги барча маҳалла фуқаролар йиғинларида, фермерлар уюшмасига қарашли кишлоқларда, мактаб, лицей, коллежларда мутахассислар иштирокида ўтказилган учрашув, мулоқотларда энди аср эмас, асрлар бавосига айланаётган ОИВ (одамининг иммунитет танқислиги вирусини) ҳақида бу вирусларни қақирадигани ОИТС (одам иммунитет танқислиги синдроми) касаллигини келтириб чиқарувчи турли ҳолатлар ва уларнинг олдини олиш билан боғлиқ омиллар хусусида сўз юритилмоқда. Бирлашма ҳузурида “Ишонч” телефонлари мунтазам ишлаб турибди.

Тилагимиз, биз учун энг катта бойлик бу — сиҳат-саломатлик эканлигини бир лаҳза ҳам унутмайлик. Бундай балоларга йўлиқмасликнинг энг осон йўли — туғри ва ҳалол ҳаёт кечириши одат қилсак, номи ҳам, асорати ҳам ёмон бўлган бундай хасталикларга ҳеч қачон чалинмаймиз.

“Оила ва жамият” мухбири Турдикул НОРМАТОВ суҳбатлашди.

Қадим Қашқадарё замини нафақат ўзининг тарихий осори-атиқалари, балки ноёб ва бебаҳо наботот олами билан ҳам машҳурдир. Айниқса, тиб илмининг султони, буюк бобокалонимиз Ибн Сино ҳазратлари санаб ўтган юзлаб турдаги доривор ўсимликлар айнан Зарафшон ва Ҳисор тоғлари бағрида ўсиб ётибди.

Биз бугун бир йилнинг ўзида тўрт фасл намойён бўлгучи бу ажойиб

“Шаҳрисабз фарм” масъулияти чекланган жамиятига айланган жамоанинг ишлари янада таҳсинга лойиқ.

— Туғри, ҳозир нима кўп, турли мақомга эга бўлган дорихона кўп, лекин ҳар бир мижоз қайси бирида энг аввало, сифатли ва кафолатланган дори борлигига ишонч туғилсагина, шу ерга боради. — дейди Шаҳрисабз туман марказий шифохонаси бош шифокори Жўра СОҲИБОВ. — Шунинг учун ҳам Камол Хо-

сидаги 16 киши билан, балки ҳар куни ҳузурига турли юмушлар билан келаётган юзлаб инсонлар билан ҳам самимий диллашишга вақт топади.

— Айрим раҳбарларни кўрганман, қабулга келган одамни шунақа совуқ муомалада кўтиб оладими, ҳатто саломига алик олишни истамай, қандай мақсадда келганини ҳам эшитгиси келмайди. Энди тасаввур қилинг, не-не умидлар билан остана

ШУНДАЙ ЯШАР ОДАТДА ОДАМ

тирадиган нарса, бирон бахонада тўй-томоша ё тадбирга бориб қолсам, кўрган биланлар орасида шогирдларим ё бошқалар чиқади, раҳмат айтади, эшитиб, бошим осмонга етади.

Дарвоқе, Камол ака ўз изланишлари меваси сифатида “Ўзбекистон жанубида

ОИЛАДАН ТАШҚАРИДА... БАХТ ЙЎҚ!

гўша табиати ёки наботот дунёси ҳақида эмас, аксинча, болалигдаёқ шу сирли оламга ошно бўлган юртдошимиз, тиниб-тинчимас доришунос Камол Холиқов ва унинг хайрли ишлари, аҳил жамоаси фаолиятига хос айрим қирралар хусусида сўз юритмоқчимиз.

Бундан роғпа-роса йиғирма йил аввал кўҳна Кешнинг Боруний кўчасида “Шаҳрисабз дори-дармон” худудий бирлашмаси иш бошлаганида кўпчилик унинг истиқболига шубҳа билан қарагани ҳам рост. Чунки энди эсласак, ўша пайтларда бу соҳада ҳам таназзул ҳукм сураётган, туманларда аҳолини дори-дармон билан таъминлаш масаласи оғир эди. Китоб, Яққаб, Чироқчи ва Қамаш туманларида яшаётганлар оддийгина дориларни ҳам Қарши, Самарқанд ва бошқа жойлардан топиб келишарди. Хуллас, истиқлолнинг илк йилларида шаклланиш жараёни, жиддий синовлар босқичидан ўтган бирлашма ўтган йиллар давомида ҳукуматиимиз томонидан яратиб берилган катта имкониятлардан оқилона фойдаланганлиги боис вилоят миқёсида ўзига хос нуфузга эга бўлди. Бугунги кунда эса



лиқовдек тажрибали мутахассис раҳбар бўлган “Шаҳрисабз фарм” жамияти билан ҳамкорлик қилишга интилаётганлар кўпчиликни ташкил этади. Масалан, бизнинг шифохонамизда даволанаётганларга ҳам шу жамоа беминнат хизмат кўрсатаяпти.

Табиятан камтарин ва очикқўнғил бўлган Камол Холиқов нафақат ўз жамоа-

ҳатлаб кирган одам ким билади, оғир дардга чалинган жигаргўшаси учун шошилинч ёрдам сураб келгандир ёки сизга бир оғир раҳмат айтмоқчидир. Масалан, мен доришуносман, аммо керак пайтда руҳшунос бўлишим шарт. Одамдан фақат яхшилик қолади. Шу сабаб эзгулик, савобли ишларни кўпроқ қилиш керак. Мени қувон-

ўсадиган доривор ўсимликлар” деб номланган рисола ҳам чоп эттирган. Қолаверса, устози, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Ҳамиджон Холматовнинг олий даргоҳда ўқиборан дамларида кўрсатган йўл-йўриқлари ва маслаҳатларини бугун ўзи умрининг олтинчи довомига етиб, устоз макрамига эришганида чин маънода оқлади. Шунингдек, умр йўлдоши, фидойи аёл Меҳринисо опа билан фарзандлари Раҳшона, Жамшидбек, Нилуфар, Лазизбекларга туғри тарбия бергани боис бугун эл орасида ҳам қадди банд.

— Айримлар сураб қолади: “Бахтли бўлишнинг сирлари бормикан?” деб. Мен ана шунда ўзимнинг ҳаётимда гувоҳ бўлган турли-туман воқеалар, ҳаёт ташвишлари ва қувончларини таҳлил қилиб айтманки, БАХТ ОИЛАДА! Агар одам ўз оиласида соғлом тарбия муҳитини ярата олса, жамиятга нафи тегади, эртага унинг фарзандлари ҳам ана шу муқаддас гўшага гард юктирмасликка интилади. Мен юртимизда ана шундай бахтли оилалар кўпайишини чин дилдан истайман!

Шавкат СУЛТОНОВ, “Оила ва жамият” мухбири. (т)

ОНАДИР У!

ХАВОТИР

Бу воқеани бир неча йил аввал бувим айтиб берган эди. У кишининг Роҳилабу исмли дугоналари бўлиб, унинг якяю ёлғиз ўғли Тошкентга ўқишга кетганича қишлоққа қайтмаган экан. Уша ерда уйланиб, яшаб қолган бемехр ўғил ҳеч бўлмаसा йилда бир марта бўлса-да, оназорида хабар олишни хаёлига келтирмаслигидан куйинган эди бувим. Соддадил она эса туну кун йўл қараб, фарзандини кутаркан.

Роҳилабу холянинг эшиги олдида бир туپ жийда ўсаркан. Хола тез-тез қўшининг ўғлини айтиб чиқиб, унинг шохларини кестиравераркан. «Яқинда кестирган эдингиз-ку?» деб айтса, хола: «Йўқ, кара, тиконли шохлари йўлни тўсиб қолибди, тагин ўғлим келса, бирон жойини тилиб-негиб кетмасин», деркан.

Йиллар ўтса-да, қишин-ёзин она бу одатини қўймабди. Аммо ўғилдан дарак бўлмабди. Қазоси етиб, она кўчага кўз тиккан қўйи жон берибди. Кампирни маҳалладошлари тупроққа қўйишибди. Онасининг ўлимини эшитган ўғил уч кун деганда эшикдан кириб келибди. Кичкина, пастқам эшикдан ичкари хатлаши биланок, «оҳ!» дея пешонасини ушлабди. Не ажабки, жийданинг тиконли шохи ўғилнинг пешонасини тилиб кетган экан. Шунда тўн кийиб, белбоғ бойлаб, тазияга келганларни кузатиб турган ҳамсоғлар онанинг кўнгли сазгирлигига тан беришган экан...

— Хўп, ойи, намунча ваҳима қилаверасиз? Шофёригимиз ўттиз йилдан бери автобус ҳайдади-ку! — дедим асабийлашиб. Аммо билмабманки, онанинг кўнгли жудаям сезгир бўларкан...

Дам олиб, орта қайтадиган пайтимиз яқинлашди. Яқин дугоналарим биринчи жўнайдиган машинага чиқиб олишибди. Менга эса жой қолмабди. Бундан бироз ҳафа бўлдим. Ҳеч ким мен чиқадиган иккинчи машина билан ўрин алмашишни хоҳламади.



— Мўтабар, шошиб қаерга борамиз, иккинчи машинага чиқарайлик, — деди нариги бўлимда ишлайдиган бир аёл. Машинадан тушишга мажбур бўлдим. Лекин ўртоқларимдан ажралиб қолганимдан ҳам ҳафа бўлдим.

Тогли йўлдан тушиб келаётганимизда, жала қуйиб юборди. Секин-аста девондан тушиб кела бошладик. Машинанинг ойна артгичи ёмғир сувини сидириб улгуролмасди. Бир пайт олдимизда бир ниманинг қаттиқ қарс этгани, сўнг қийчув овозлар эшитилди. Нима бўлганини англаб улгурмасимиздан олдимизда аянчли манзара намоён бўлди. Биздан олдинда кетаётган машина асфальтнинг ўртастида ағанаб ётар, деразалардан оқаётган қонларни жала тинмай юварди...

Бир эмас, етти ҳамкасбимиз фалокат оқибатида вафот этди. Кўпчилик узок вақт касалхоналарда довланди.

Шундан буён онаминг кўнглига

ТИЛСИМЛИ ДУНЁ

қараб иш тутишга ҳаракат қиламан. Ушанда онаминг дуоси, илтижола-ри мени асраб қолганмикан, дейман.

СЎЗИГА ҚУЛОҚ СОЛМАГАНДИМ...

Бир неча йиллар давомида хорижда ишладим. Йилда бир марта уйимга келиб, бола-чақамдан хабар олиб кетардим. Ҳар сафар кетар маҳалимда онам мени хотиржамлик билан кузатиб қоларди.

— Болалари улғайиб қолишди, кўчинг борида уч-тўрт сўм жамғариб ол, улар катта бўлгани сайин ташвиши ҳам каттаради. Кейин етказолмай қолсан, — дердилар. Мен ҳам хўш кўнгли билан сафарга отланар эдим.

Аммо охири бор уйга келганимда, онам мени энди қайтиб кетмаслигини, тadbиркор акам билан бирга шу ерда ишлашимни айтиб қолди.

— Ойи, эндигина яхши иш топдим. Шу гал ҳам бориб келай, кейин сиз айтганча бўлақолсин, — дедим.

— Тушларим алағда, хўп дегин, — ялиндилар ойим.

— Иш ҳақларимнинг бир қисми қолган, ҳеч бўлмаса, ўшани бориб олиб келай?

— Кўй, ўша пуллар бош-кўзингдан садақа, борма!

— Ойи, ахир у пулларни осонлик билан ишлаб топмаганман, нега мени тушунмайсиз? Менинг ҳам дилимни гаш қилиш ўрнига дуо қилмайсизми?

— Майли, болам, шунчалик экан, ўзинг биласан...

Мен жўнаб кетдим. Эсон-омон етиб бордим, иш бошладим. Онаминг инжиқликлари ёдимдан кўтарилиб кетди. Бироқ бир кун оёғимга бетон бўлаги тушиб кетди. Оғриқдан хушимни йўқотибман. Аммо элас-элас онаминг менга ташвиш билан боқиб турган нигоҳларини кўрдим, тушимдами ё ўнгимда англай олмаيمان.

Кўзимни очсам, ижарадаги квартирамизда ётибман. Йигирма кун деганда, акаларим бориб мени юртимизга олиб келишди. Бу вақт ичиди жароҳатланган оёғим чирий бошлаган экан. Тошкентда операция қилишди...

Мана, вақтида онаминг ёлвориларини писанд этмаганим учинми ёхуд пешонамга шу кўргиликлар битилганим, бир оёғимни кесиб ташлашди...

Ҳа, она билан болани кўринмас ришта боғлаб туради. Бу риштанинг муқаддаслиги рост. Оналар кўнглининг нечоғли сезгирлигини ушбу ҳаётини воқеалар изохлар экан, демак, улар сўзи бизни турли хатарлардан асраб қолиши мумкин экан.

Шахло ТОШБЕКОВА

ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

УМИД БИЛАН ТЕРИЛГАН ҲАР ФИШТ...

Ўзбекнинг оиласида фарзанд туғилса, каттаю кичик баб-баравар сунояди. Айниқса, чақалоқ ўғил бўлса, яхши ният билан томорқасига ниҳол қадайдди, сўнг... мактабга борар-бормас унга атаб қурилайтган уйга пойдевор ташлайди, умид билан фишт қўяди. Бундай улғур одат бизларга ота мерос, бобо мерос. Шунинг учун ҳам эл-улус орасида қурувчиликка укуви борларни "қўли гул" деб алоҳида эъзозлаймиз.

Сал кам ўттиз йилдан бери шу соҳанинг ҳалол номини татиб келаётган Рустам Дўсияров ҳам ўз фаолияти давомида қанчадан-қанча хайрли ишларга бош-қош бўлди. Асли мутахассислиги қурувчи-муҳандис бўлган ва айна пайтда "Дўстобод Фаровон Қурувчи" ихтисослаштирилган пудрат корхонасига раҳбарлик қилаётган қаҳрамонимизнинг бевосита саъй-ҳаракатлари туфайли республикамизнинг турли ҳудудларида, шу жумладан, Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида, Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ ҳамда Оққўрғон туманларида қуриб битказилган касб-ҳунар коллежлари, мактаб ва спорт заллари, турли иншоотларини кўрган кишининг кўзлари қувнайди.

— Айнан истиқлол шарофати туфайли мамлакатимиз



улкан бунёдкорлик майдонида айланиб кетди, — дейди биз билан суҳбатда Рустам ака Дўсияров. — Бундан кўп эмас, ўн йил аввалги манзараларни эслайлик. Бугунгидек ҳашаматли ва ажойиб лойиҳалар асосида қурилган коллеж ё лицейлар, мактаблар ёки бошқа чиروي бинолар бормиди? Шахсан Юртбошимиз ҳамда ҳукуматимизнинг ташаббуси ва қўллаб-қувватлови туфайли кейинги пайтда қурилишга, айниқса, қишлоқ жойларни обод қилишга алоҳида эътибор берилаётган тахсинга лойик. Масалан, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилинган жорий йилнинг ўзида Президентимизнинг шу йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўлимини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарориди қўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида бизнинг корхонамиз томонидан Тошкент вилоятда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қуриш ва таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Яқиндагина пойтахтимизда бўлиб ўтган қишлоқ аҳолиси учун яқна тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўргазмасида намоиш этилган лойиҳаларни телевидение орқали кўриб, жуда қувондик. Кўрасиз ҳали, яқин бир-икки йил орасида республикамизнинг барча ҳудудларида ана шундай ибратли лойиҳалар асосида бунёд этилган қишлоқлар, уйлар қўлайиб кетади. Ана шундай хайрли ишларда бизнинг қалдирғоч корхонамиз қурувчиларининг ҳам иштирок этаётгани янада каттароқ масъулият оқлайди. Чунки эртага насиб этса, ана шу замонавий қишлоқларда ўзимизнинг фарзандларимиз ўсиб-ўлғади.

Дарвоқе, гурунгимиз орасида ҳам ўнлаб қишлоқлар билан қурилиш мавзусида турли хил муаммоларни сўраб-суриштирган Рустам аканинг вақти ниҳоятда ҳисобли эканлигини сезиб турдик. Ва тابتийки, унинг қуйинчалиги ва ўз навбатида ҳар бир масалага ниҳоятда масъулият билан ёндашишига ҳам гувоҳ бўлдик. Хуллас, қурувчи ҳалқи учун вақтининг, айниқса, бугунгидек ганимат лаҳзалар қадри қанчалар бандлигини ҳисобга олиб, у киши билан хайрлашарканмиз, "Сиз мана шу севган ишингиздан ортиб оилага, фарзандларингизга ҳам эътибор қарата олаясизми?" деган саволга жавоб беришни сўрадик. Бир оз ўйланиб турган, Рустам ака қулимизча: "Бўлмасам-чи, мен учун ҳам, ўйлайманки, бошқалар учун ҳам биринчи навбатда оила қадридир. Негаки, мана шу ҳаётимиз беқорга "Уйда тинчи бўлсин йигитнинг" деб ёзмаган-ку, синглим. Шундай экан, мен учун ҳам аввало хонадоним, аёлим, уч нафар фарзандим азиз, улар соғ-омон бўлишса, ишимда унум бўлади, кун бўйи кўнглим осмондай кўтарилиб боради. Чарчас неллигини билмайман. Шу баҳонада, мен севимли газетамиз орқали барча ҳамкасбларим, қолаверса, юртдошларимга оиласига ҳам тинчлик, тотувлик тилайман!" — деб қўяди...

Робинсон АШУРОВА,
Тошкент вилояти

ДУОНИНГ ҚУДРАТИ

— Ҳамкасблар билан иккита «Форд» автомашинасида тоғ бағрига дам олгани чикадиган бўлдик, — дея ҳикоя қилади Мўтабар исмли аёл. — Турмуш ўртоғим, қайнонам бунга рози бўлди, аммо болаларни олиб қолишларини илтимос қилиб, онаминг ҳузурига борсам, улар бормаслигини маслаҳат бердилар. Иккилондан қолдим. Ахир, бу саёхатни қанчондан бери орзу қиламан. Борай десам, онам «негадир кўнглим гаш, кўз олдимда бирор кун тургим» дедилар.

Йўқ, бормасликка ўзимда куч топа олмадим. Тонгда йўлга отланар эканман, онам:

— Шошмагин-а, болам. Шофёрларга ҳам айтгин, секинроқ ҳайдашин машинани, хўпми?! — деди қайта-қайта.

ИМТИЁЗ КАТТА, ИМКОНИЯТ ҲАМ

Ҳар кун гувоҳ бўламиз: Кимдир бозор ёки дўкандан харид қилган буюмларини, у уст-бошми, пойафзал маҳсулотларини, хуллас, нималигидан қатъи назар, сифатига кўпроқ қизиқади. Биламиз, бир пайтлар кўпчилигининг тасавурида фақат хорижда ишлаб чиқарилган буюмларгина чидамли бўлади, деган тушунча бор эди. Лекин мустақиллик йилларига келиб, бизнинг мамлакатимизда чарм-пойафзал саноатида алоҳида эътибор қаратилганлиги учун ҳам бу соҳада кескин ўзгаришлар рўй берди.

Айниқса, шу йилнинг 17 июнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган "2009-2012 йилларда чарм-пойафзал саноати корхоналарини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш ҳамда тайёр товарлар ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарориди белгиланган мақсад ва вазифалар кўлима бўрада кенг истиқболли ишларни бошлаб берди, десак муболага бўлмайди. Чунки айнан ана шу муҳим ҳужжат асосида бугунги кунда бизнинг республикамизда ҳам аҳолининг ошиб бораётган талабларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳисобига қондири-

лиши билан бирга ўз навбатида кун-чарм хом ашёсини қайта ишлаш ҳам режалаштирилмоқда. Шунингдек, ихтисослашган корхоналар замонавий технологиялар билан жиҳозланиб, яқин орада ҳеч бир хорижий фирманикдан кам бўлмаган тайёр чарм-пойафзал маҳсулотлари ишлаб чиқарила бошлайди.

Албатта, туманимиз солиқ инспекцияси ходимлари ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини аҳолига кенг ва батафсил тушунтириш орқали бу тармоқда жиддий ислохотлар олиб борилаётганлигини жонли мисоллар билан изохлашмоқда. Шунингдек, чарм-пойафзал маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга солиқ бўйича яратилаётган имтиёз ва енгилликлар, қолаверса, 2012 йилнинг 1 январига уларнинг божхона тўловлари тўлашдан озод қилинганлиги ҳукуматимиз томонидан жуда катта имконият яратиб берилганлигини кўрсатади.

ЗАМИРА УСМОНОВА,
Бектемир давлат солиқ инспекцияси шўъба бошлиғи.

Кеч кузнинг қишдан хабар бергучи изгирини ҳаммани ичкарига ҳайдади. Сабоҳат пасттақина дарвоза олдида узоқ туриб қолди. Шу пайт хазонлар тўшалган ҳовли саҳнида қалин рўмонга ўраниб олган бир аёл кўринди, у оҳиста юриб келиб, дарвозани очди. Юпунгина устбошда дийдираб турган қизни кўриб, бирдангина ўзини ичкарига олди:

- Кел, қизим. Нима гап?
 - Ижарага жой ахтариб юрган эдим.
 - Кир-чи, ичкарида гаплашамиз.
- Ёши бир жойга бориб қолган кампир учун супир-сидирга қарашадиган бир қиз керак эди. Момо аввал унинг хизматини ёқтириб қолди, яқинроқ бўлиб, бошидан ўтган кўргуликларни эшитгач, ўзига ҳам кўнгул қўйди:
- Бўлди, шаҳарда қолсанг,— деди у ўша қиз учинчи босқичда ўқиётганда.
 - Ўғай отанинг қўлида шунча туртки еганинг етар. Сени ўзим келин қилиб оламан. Шу ҳовли, ўғлим, бир умр йиққан-терганим — сеники. Хўп десанг, шу як-

мулк эканлигини унутманг!

Ўша кунлари бу гапларни эшитиш Сабоҳат учун жуда азобли эди. У эрта-индин эрга тегаман, деяётган бўлмаса! Бунчалик шошиб, ваҳма билан огохлантиришининг нима кераги бор экан?!

Буёғи қизи ҳам улғайиб борапти. Наҳот, унинг устига бегона эркакни киргизса?!

Аммо яшаб турган уйнинг омонат бошлана эканлигини эшитиш кўнглини хижил қилди. Энди пул йиғиб, бирор жой сотиб олишининг тараддудини кўрмаса бўлмайди. Ўзи саратон касалликлари шифохонасида катта ҳамшира, бу шифохонада ишловчилар атрофида пул чангаллаб гирдиқапалак бўлиб юрвчилар истаганча топилади. Озроқ уринса, ўз уйи бўлади.

Бир куни останада бир йигит билан

Жамила ЭРГАШЕВА

ИЗДИҲОМ



шанба уйингга совчи юбораман!..

Ўғай ота совчиларни ҳайдаб солди, боз устига «қизинг шаҳарга эр ахтариб кетган демабмидим? Олдин топишиб, кейин совчи жўнатаяпти», деб онасини роса дўппослабди.

Кампир ўзи чоғроқина тўй қилиб, икки ёшни қовуштириб қўя қолди.

Ўша кунлари Сабоҳатдан бахтли инсон оламда йўқ эди. Ҳамширалик билан никоҳ гувоҳномасини бир кунда олди. Куёви оддийгина ҳайдовчи бўлса-да, жуда меҳрибон, дилкаш йигит эди.

Кампир ҳам ўзича хурсанд: қариган чоғида тайёр, беминнат ҳамшира, тилу забонсиз хизматкор, уни қилма, буни қилма деб йўлдан урувчи амма-холаси йўқ. Хуллас, кексайган чоғида бир қиз топиб олгандай бўлди.

Сабоҳат ҳомилдор бўлиб, қиз туғилганда хонадон соҳибларининг кўнглига қўшилиб, ҳовли ҳам ёришиб, кенгайиб кетгандай туюлди.

Чақалоқнинг исмини Нилуфар қўйишди, Нилу!

Қизалоқ номигагина Сабоҳатники, ўзи момоники эди. Чунки кампир эртадан кечгача неварасини қўлидан қўймас, онасига фақат эмизгиш учун берарди, холос. Аммо бу осуда ҳаёт узоқ давом этмади.

Аввал эри автохалокат туфайли, кейин қайнонаси ўғлининг доғига чидай олмай бандаликни бажо келтиришди. Мазракалар ўтгач, эрининг тоғаси келиб, улар яшаб турган уйни бир замонлар ёлғиз ўғил билан қолган опасига ўзи олиб берганлигини, уй эса ҳамон унинг номида эканлигини айтди:

— Сизга бу билан уйдан чиқиб кетинг, демоқчимасман. Агар ўғлингиз бўлганда бу уй сизники эди. Қиз бола бировнинг хасми, эрга тегиб кетади. Ўзингиз ҳам ёшсиз, турмушга чиқадиган бўлсангиз, бу ҳовли... Бировга тегишли

тўқнашиб кетди. Йигит дарҳол уэр сўраб, йўллакка сочилиб қолган қоғозларини йиғиб берди-да, шошиб зинапоядан паства тушиб кетди.

Эртаси куни ўша йигитни яна автобус бекатида кўрди. У аёлни кўриб, бош ирғаб салом берган киши бўлди. Автобуслари битта экан, анча пайт бекатнинг икки томонида туриб қолишди.

Кейинги куни яна бекатда кўришишди. Йигит аллақердан шошиб келиб, у билан саломлашди-да, автобусни сўради. Яна бир сафар бозорда учрашиб қолишди. Йигит эски қадрдонлардек дарвор бозорхалтасини қўлидан олиб, уни уйигача кузатиб қўйди.

Маърақадан сўнг «тоға» «Борди-ю, турмушга чиқсангиз...» деганда «Турмушга чиқиш ниятман йўқ» деб осмон бўйи сапчиган бўлса-да, Сабоҳат бу йигитга борган сари ўрганиб қолаётганлигини, бир кун кўрмаса, тўрт томонга олазарак бўлиб излаётганини бошқалардан яширса-да, ўзидан яшира олмас эди.

Кунда-кунора турли ширинликлар билан сийланадиган Нилуфар ҳам унга ўрганиб қолган эди.

Шу пайтгача турмушга чиқиш ҳақида гап кетса, Сабоҳат «Қизим буй етганда уйимга бегона эркакни олиб кираманми? Мабодо эрга тегсам ҳам, қизимни узатиб, сўнг ўзим турмушга чиқаман» дер эди доим. Аммо бу сафар қизининг буй этиб қолгани ҳам кўзига кўринмади.

Йигит бир домла олиб келди, никоҳ ўқилди...

Сабоҳат бутунлай янги оламга тушиб қолгандай, эри уни еру-қўкка ишонмас, ишга ўзи олиб бориб, ўзи олиб қайтар эди. Орадан бир ҳафта ўтиб, эри ундан уэр сўради:

- Уришмасанг, бир гап айтаман.
- Нимаиди?
- Узр, сендан берухсат меҳмон ай-

ХИКОЯ

тиб қўйдим. Биламан, бундай қилмаслигим керак эди, улар қаршимдан чиқиб, уйингга бошамиз, деб туриб олишди. Нима дейишни билмай қолдим. Хафа бўлма, ўзим бозорлик қиламан, ошни ҳам ўзим дамлайман, сен мени уришмасдан, меҳмонларим келганда қулиб ўтирсанг бўлди. Улар кўпчилик эмас, бир дўстим аёли билан келади, холос.

Унинг шу даражада хижолат тортаётганидан галати бўлиб кетди:

— Бу нима деганингиз? Шу хонадон сизнинг ҳам уйингиз, истаган пайтингиз меҳмон чақаришингиз мумкин.

— Раҳмат жоним,— у Сабоҳатни эрқалаб бағрига босди. — Яна бир илтимос, Нилуни қўшни домдаги дугонангикига чиқарсанг... Меҳмонларнинг олди-га ичкилик қўймасак бўлмайди. Қиз боланинг олдида бироз ноқулай-да...

Бу мулоҳаза Сабоҳатга ҳам маъқул тушди. Фақат Нилуфар уйларида шунча тайёргарлик бўлиб ётган пайтда бировникига боришни истамай, зўрга кетди...

Меҳмонлар кун ботгандан сўнг келишди. Бирови сочига оқ оралаган, ўрта ёшли эркак, иккинчиси жиккақина ёш аёл эди.

Меҳмондорчилик жуда зўр бўлди. Ҳақиқатан ҳам эри Сабоҳатнинг қўлини совуқ сувга урдирмади. Ошпаз ҳам, косагул ҳам ўзи бўлди. Фақат иккинчи қадахдан сўнг Сабоҳат бутунлай ўзини бошқара олмай қолди. Қаердан эри ёдига биринчи эри тушди. Қисмат ёзиқларидан хижолат бўлиб, ундан уэр сўрамоқчи бўлса, ёнида қулиб қадах узатиб турган эмиш.

— И-е, сиз қаердан келиб қолдингиз? Сиз ўлмаганмидингиз? Еки мен ўлдими? Нега, нега ўламан? Энди қизимиз кимга қолади? — деб эрини кучоқлаб, йиғлай бошлади.

Йиғлаб-йиғлаб қараса, кўчоғидаги эркак биринчи эри эмас, иккинчи эри эмиш. Унинг миясида ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетди, лекин танаси қушдек энгил, руҳи озод, томирлари буйлаб хузурбахш ҳорғинлик оқиб ётарди. Дастурхон атрофида ўтирганларга бир нигоҳ ташлади-ю, қайтиб кўзини оча олмади...

Шу билан эртаси куни кечки пайт ётоқхонада ўзига келди.

— Менга нима бўлди? Ёнида ётган эри уни бағрига босиб, эркалади:

— Мен сенга ёрдан бердим. Раҳматли эрининг руҳи олдида, менинг олдимда, қизингнинг олдида ҳадеб хижолат тортиб, сиқилиб юришингдан қийналай кетдим. Бир бало қилиб зигирдай дори топдим, шу шўрлик ҳам дунёни унутиб, бир дам олсин, дедим. Қалай, энди анча энгилмисан гулим?

— Ҳа, ҳақиқатан ҳам дунёни унутибман. Фақат меҳмонларнинг олдида жуда уят бўлди-да.

— Ҳечқиси йўқ, улар ўзимиздан. Уларгаям пича-пичадан бўлишдим. Ҳаммаси учиб қолди. Эрталаб келишдим...

Сабоҳат бир неча кун ўзига кела олмай юрди. Ҳаммаси жуда галати эди: Эрининг гамжўрлиги, етти ёт бегона одамларнинг унинг уйида бемалол тунаб қолиши, энг ёмони, ўша гаройиб кундан кўнглида яхши бир хотира қолди, дунёни унутиб, хузур қилди.

Орадан ҳафта ўтиб, эри янги гап топиб келди:

— Ўша кунги меҳмонларимиз роса хижолат бўлишди. Сизлар ҳам бир келинлар, меҳмон қилайлик, дейишяпти. Бир айлиниб, кўнгул ёзиб келмаймизми?

— Э-э, йў-е, таниммаган жойга ноқулай...

— У нима деганинг? Менинг таниганим ҳисобга ўтмайdimи? Қолаверса, улар сеннига бир келиб кетишди.

— Лекин қаранг, яна ўша кунги томоша такорланмасин.

— Қўйсанг-чи, уни ўзим сен учун ташкил қилган эдим. Ўзинг-ку, сал нарсани кўтара олмай, томоша кўрсатдинг. Сен еган нарсдан одамлар қувватланиб иш қилади. Бизнинг кишлоғимиздаги йигитлар девол уришдан олдин бир-бир доза отиб олишди-да, кейин ишга тушишди. Уларнинг ишлашларини бир кўрсанг!.. Сен бўлса, икки кун ухладинг, майли, миянг дам олди-ку!

(Давоми бор)



КЎРИШ МАШИНАСИ

Америкалик олимлар кўзи оқиб одамлар учун кўриш, ўқиш ва ҳатто интернетдан фойдаланиш имконини берадиган қурилма яратишди. Бу ихтиро муаллифи ушбу «кўриш машинаси»ни аввало ўзида қанаб кўрган америкалик Элизабет Голдринг исмли кўзи оқиб шоира бўлди.

Яқиндагина Элизабет учун бу дунё қора рангда эди. Яхшигина шоира ва рассом бўлган бу аёл 20 йил муқаддам кўриш қобилиятини йўқотди. Бир куни у бахтли тасодифга дуч келди.

Навбатдаги тиббий кўрик чоғида доктор унинг кўзидаги кўриш тўрчаларининг нисбатан соғлом қисмига офтальмоскоп асбоби ёрдамида баъзи тасвирлар проекциясини йўналтирди. Ва Элизабет кўра бошлади!

«Мен хайратдан қотган эдим: ҳар бир картина ҳақиқий кашфиёт эди. Чунки мен анчадан бери дунёни кўрмагандим. Кейин яна сўзларни ҳам ўқий олдим, чехраларни, табиати кўрдим. Ҳа, мен шунчаки кўриб турардим. Бунга ишониш қийин эди!» — деди ҳаяжонланиб Элизабет хоним.

Ушундан бошлаб Элизабет Голдринг Массачусетсдаги техника институти та-



лабалари билан биргаликда кўзи оқибларнинг кўришига ёрдан берадиган ускуна ясай бошлади. Бу кўриш машинасининг биринчи варианты бир четда қолиб, эндиликда унинг олиб юриладиган нусхалари ишлаб чиқарила бошланди. Албатта, уларни ҳозирча мукамал деб бўлмайди. Аммо келажақда кўриш машинаси энг мўъжизавий ихтиро сифатида тан олинishi кутилмоқда.

Кўз тўрчаларини ўрганишда фойдаланадиган офтальмоскоп асосига қурилган бу ускуна худди видеопроектор каби ишлайди. Яъни қаршида турган манзара тасвирини кўзнинг соғлом тўрчаларига етказиб туради. Шундай қилиб, Элизабет қаршидаги манзарани кўра бошлади. У энди чўчмасдан олдинга қадам ташлайди, сайр қилади ва ҳатто таассуротларини фотокамерага тушира олади. Қурилманинг нархи ҳам унчалик қиммат эмас, бор-йўғи 50 доллар. Уни янада ихчам ва содда шаклга келтириб, нархини касал одам сотиб олишга қийналмайдиган микдорга тушириш кўзда тутилган. Бу қурилманинг фойдаси ҳақида профессор офтальмолог Роб Уэбб шундай дейди: «Мабодо одам унинг ёрдамида ёзувларни ўқий олмаганида ҳам, бу ёруғ дунёнинг ранг-баранг манзараларини кўришга муяссар бўлади. Бу ахир улар учун жуда муҳим-ку!»

Олдинда фақат расмий синовлар қолди. Кўриш машинасини кўз касалликлари клиникасига олиб боришлари керак. Агар синов-тахлил ишлари муваффақиятли бўлса, бу қурилма нусхаларини оммавий тарзда ишлаб чиқариш юзасидан келишувлар бошлаб юборилади. Негаки, биргина АКШнинг ўзида кўз касаллиги муаммосига учраганлар сони миллионлаб кишиларни ташкил қилади.

Наргиза САРИМОВА тайёрлади.

Абдусамад ака деярли ҳар куни ишга метрода кетарди. Уша куни шошлаётгани учун "Миробод" деҳқон бозори ёнидаги бекатга чиқиб, энди такси тўхтатаман деб турганида...

Ўзининг ҳикояси:

— Бу воқеа шанба куни содир бўлди. Уша бекатда яна бир эр-хотин ўғилчаси билан туришганди. Бир пайт ҳалиги эркак йўлнинг нариги тарафи-

ди, мен унинг ёрдами билан рад этиб, секин уйимизга қайтиб кетдим...

ОҚИБАТ

Кутилмаганда содир бўлган воқеанинг бор тафилоти шу. Абдусамад Турсуновни йилгирма йиллардан бери танийман, асли касби ҳуқуқшунос, жуда ҳокисор ва бағри кенг инсон. Айни пайтда республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказида бош юридик мас-

эканлигимни айтсам, у киши аввалгига паст овозда "беш дақиқадан ҳам бехабар, майлими?" деди. Ва бир неча лаҳза ўтиб-ўтмай "мен тўғримада ёзаман дедингизми, э, қўйсангиз-чи, ука, одамлар устимдан кулишмасин тагин. Ахир, нима бўпти, бир болани кутқарган бўлса, шуям арзирли гапмикан, дейишмай-дими? Буни фақат сизга айтдим, иш-хонамдагилар ҳам билмайди, у ёғини

АРЗИМАС ОДАМГАРЧИЛИК

га ўта бошлади. Изидан ниманидир айтмоққа чоғланган аёл ҳам шошилиб, боласини бекатда қолдирганча шу ёққа қараб юрди. Бироздан сўнг бекатда ёлғиз қолган болакай ҳам безовталаниб, онаси кетган томонга қараб, йўлни кесиб ўта бошлади. Ва йўлнинг ўртасига етганида бир "Газель" машинаси катта тезликда келиб қолса денг. Кўриб турибман, бола яна икки қадам қўйса, уни машина уриб кетиши аниқ. Жон ҳолатда югурдим ва болакайни қўлтиғидан кўтариб, бурилганимни биламан, елкамни ҳалиги машина сермаб ўтиб кетди ва ерга йиқилдим. Ҳалиям худо сақлабди, бола устимга келиб тушди.

Бир зумда атрофимизни одамлар ўраб олишди. Аёл ҳам "болам"лаб, йиғлаб чопиб келди. Эри бўлса менга "ажаҳон, минг раҳмат сизга, ҳеч нарса қилмадимми ўзи? Кўрмайсизми, манавини", — дея хотинини койиб кетди. Мен ҳам у ёқ-бу ёғимни қоқиб, секин ўрнимдан турдим. Юрай десам оёғимни зўрга босаман, елкам ҳам симиллаб оғрияпти. Боланинг отаси яна ёнимга келиб, "бирор дўхтирхонага олиб борайми, ака?" деб сўра-



ёхуд ҳар доим ҳам бировга яхшилик қилиш қўлимиздан келадики?

лаҳатчи бўлиб ишлайди.

Абдусамад ака билан содир бўлган бу ҳодиса ҳақида эса тасодиф эшитиб қолдим. Туғилган куни арафасида изласам, "уйда ётудим, сал шамоллабман, шекилли", деб кўйганди. Яна бир ҳафтадан сўнг йўқладим. Охири ўзи айтиб берди: "Икки кунча сезилмади. Ўтиб кетар деб ўйладим. Қаёқда, елкам ва оёқларим зирқираб оғриб бошлади. Кейин дўхтирларга кўрсатдим, машинанинг қаттиқ зарби таъсир қилган экан. Муолажалар қилишди. Энди анча яхшиман..."

Кеча уйига кўнғироқ қилиб, шу воқеа ҳақида бирор нарса ёзмоқчи

сўрасангиз, янгангиз ҳам бехабар. Менинг ўрнимда бошқа биров бўлса ҳам шу ишни қиларди-да", деди...

Хўш, муҳтарам замондошлар, ўйлаб кўрайлик-чи, бир оддий юртдошимиз айтётган ана шу "арзимас одамгарчилик"ни адо этишга ҳаммамиз ҳам қодирмизми? 5-6 яшар боласини катта, серқатнов йўлнинг устида қаровсиз қолдириб кетган ота-она қолиб, етти ёт бегона бир одамнинг бу улкан шаҳарда на умр, на-да йўл ҳара-кати қондасига амал қилишни билладиганлардан бири бошқарувдаги машина гилдираги остида қолди кетиши муқаррар бўлган бир мурғак гўдакни кутқариш учун хатто ўз жони ҳақида заррача ўйлаб ҳам кўрмагани... «Арзимас» ишми? Қолаверса, Яратган томонидан бизга берилган омонат умр-ҳаёт ҳам бу дунёда фақат эзгу амаллар қилмоқ учун инъом этилган экан, ҳаммамиз ҳам бировга яхшилик соғиниб, ана шу эзгулик нуридан доимо баҳраманд бўлмоққа ўзимизда куч, ирода топа олармиканми?

Норқобил ЖАЛИЛ

Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг!

Бахтли бўлинг!

ОҒЗИ КУЙГАН КИШИ...

«Ўғлим биринчи хотини билан севишиб турмуш қурганди. Уларга ҳаманинг ҳаваси келарди, чунки улар бир-бирини еру кўкча ишоничмасди. Лекин афсуски, ўн йилча яшашган бўлсалар-да, ўрталарида фарзанд туғилмагач, охири ажрашишди. Шундан сўнг ўғлим анча пайтгача ўзига келолмади. Кейин тақдирга тан берди. Уни иккинчи бор уйлантириб қўйдим. Ниҳоят ўғлимга фарзанд, менга эса неварга суйиш бахти насиб этди. Ўғлим икки нафар фарзанднинг отаси бўлди. Аммо ўртада фарзанд туғилгани билан эр-хотиннинг бир-бирини буймасга қийин экан. Бу келиним биринчисининг тамозан акси, яъни йўқ жойдан жанжал чиқарадиган, рўзғорда хали у йўқ, бу йўқ деб хархаша қиларди. Ўғлимнинг ҳам дарди ичиди эди. Хатто хотинининг дийдибисидан шу даражада бездики ишдан келмайдиган, келсаям менинг уйимда ётиб қоладиган одат чиқар-

ди. Унинг устига сабрсиз келиним ота-онасиникига тез-тез кетиб қоларди. Мен фақат эридан хўрлик қўрган аёлларгина отасиникига кетса керак, деб ўйлардим. Афсуски, ичмайдиган, уйим-жойим деб, топган пулини уйига олиб келадиган, хотинига қўл кўтармайдиган эркаклардан ҳам нолийдиган қаноатсиз аёллар бор экан. Хуллас, у бу аёли билан ҳам ажрашишга мажбур бўлди. Ўғлимнинг касби ҳайдовчи. **50 ёшда**. Судтан оғзи куйган қаттиқни ҳам пуфлаб ичади, деганларидек, болам бу гал янглишмас дейман.

Мушарраф хола, Тошкент вилояти»

БАХТНИНГ КЕЧИ ЙЎҚ

«Энг яқин дўстинингнинг оиласида тинчлик бўлмасга қийин экан. Аммо унинг иш масаласида омади чоған. Олий маълумотли, иккита хусусий корхонаси бор. Тақдир-

ни қараң-ки, топган-тутганини рўзғорига сарфлаб, ота-онасининг ҳурматини жойига қўйиб ўтирадиган, уни қўллаб-қувватлайдиган рафиқаси йўқ. Чунки у хотини билан ўртада бир нафар фарзанди бўлишига қарамай, ажрашган. Уларникига тез-тез бериб турганим учун ўрталаридаги сабабсиз жанжалларга бир неча бор гувоҳ бўлганман. Эрига гап қайтарган, хатто меҳмонларнинг олдига ҳам обрўйи, шаънини ерга урадиган аёлни ким деб аташ мумкин? Тўғри, ўзи ҳам хотини билан қанча муросага келишга уриниб кўрди. Йўқ, синган шишани сақлаб қолишнинг имкони топилмади. Дўстининг **ёши 37 да**. Албатта, бахт-иқбол ёшга эмас, ақл-идроққа ҳам боғлиқ. Шундай экан уни қадрлайдиган, шу билан бирга ота-онасининг ҳам ҳурмат-иззатини жойига қўйдиган аёл бўлса, овоз берсин.

Фазлиддин, Тошкент шаҳри»

«ИНФАРММАДА»

Саломатлик марказига марҳамат!

Марказда сизнинг хизматингизда — эндокринолог, невропатолог, кардиолог, гинеколог, уролог, гелмнитолог, лор, окулист, болалар невропатологясии соҳаларидаги малакали шифокорлар шунингдек, УЗИ, ЭХО, ЭКГ, лаборатория, физиотерапия хизмати фаолият олиб боради.

КўПЛАБ ОИЛАЛАРГА ФАРЗАНД ҚУВОНЧИНИ ТУХҒА ЭТИБ КЕЛАЁТГАН САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ, СИЗНИНГ ҲАМ ХОНАДОНИНГИЗДА ЧАҚАЛОҚ ОВОЗИ ЯНГРАШИГА САБАБЧИ БЎЛАДИ!

Ёш келинлар турмуш ўртоғи билан ҳомиладорлик вақтида «Бўлажак оналар мактаби»га қатнаб, тегишли маслаҳатлар билан бирга даволаш гимнастикаси (ЛФК), психоневролог, кардиолог (ЭКГ) куригидан ўтиб, фойдаланиш имконияти мумкин.

Энди дунёга келган чақалоқлар эса муаммалар равишида болалар невропатолог, педиатр, психолог, эндокринолог, логопед, гелмнитолог куригидан бўлади.

Ҳурмати эркаклар! Агар сизда бел, қовуқ соҳасида оғриқ бўлса, тунда ҳолатга тез-тез чиқиш, пешоб келгандан сўнг ачишиш, жинсий ожизлик, бепушлик, сабабсиз бош оғриғи, бел, бўйин оғриб, қотиб қолиши, асабийлик, уйқусизлик, семизлик ҳолатлари кузатиб, малакали уролог, сексопатолог, невропатолог, эндокринолог ёрдамида барча дардлардан тезда фойда бўлишингиз мумкин.

Балогат ёшидаги қизларда ҳайз келганда кучли оғриқ бўлиши, бепушлик, сабабсиз қон кетиши, туҳмудон кистаси, асабийлашиш, қирқ ёшдан ошган аёлларда қон босимининг ошиши, терлаш, миома, эрозия ҳолатлари бўлса, малакали гинеколог, невропатолог, кардиолог, эндокринолог ёрдамида даволанади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, «Ғафур Ғулум» метро бекати.
МУЎЛЖАЛ: Цирк томонга 150 метр юрилади.
Тел: (8-371) 244-73-24, 244-49-02
Барча хизматлар лицензияланган.

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларга таклиф этади.

- Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Туй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
- Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.
- Ҳамширалар — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
- Тиббий массаж — 2 ой амалиёт билан. Нуктали — 1 ой.
- Торт ва пиширдиқлар амалиёти билан — 2 ой.
- Пиширдиқлар олий курси — 1 ой.
- Уйғурча таомлар ва салатлар — 1 ой, амалиёти билан.
- Аёллар сартарошлиғи — 3 ой, амалиёт билан.
- Педикюр, маникюр — 1 ой, амалиёт билан.
- Сартарошлик — 3 ой, амалиёти билан.
- Туй ва оқшом турмақлари ва макиязи — 1 ой.
- Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
- Парда ва чойшаблар — 1 ой амалиёт билан.
- Сартарошлик — 2-3 ойи ўғил болалар учун. Сапонда кашатчилик — 3 ой машинада ишлаш.
- Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Бисер тикиш, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
- Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
- Компьютер сабақлари — 2 ой. Интернет — 1 ой.
- Арабча ва миллий рақис — 3 ой.

■ Машгулотлар амалиёти билан ■ Ётоқхона мавжуд

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади

Манзил: Юнусобод тумани, 3 мавзе, 1-уй, 31-хона.
Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори орқасида. Тел: 221-17-95, 221-77-72 кундузи, 225-97-93 18:00дан 22:00 гача.

«Оила ва жамият» газетаси жаммаси «Бухоро спорти» газетаси бош муҳаррири Бахтиёр Асадовга ўғли **Феруз АСАДОВ**нинг вафоти муносабати билан чукур ҳамдардлик билдиради.

Муассислар: Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

<p>Фойдаланилмаган кўлэмалар тахлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.</p> <p>«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 16:00.</p> <p>E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz</p>	<p>Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ</p> <p>Қабулхона: (тел, ва факс) 233-28-20</p> <p>Мухбирлар: 234-25-46</p> <p>Котибият: 233-04-35</p> <p>Реклама бўлими: 233-04-50</p> <p>Web-site: oilavajamiyat.uz</p> <p>Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифланди.</p>	<p>МУАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>Тошкент — 700000</p> <p>Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй</p> <p>Мўлжал: «Олой» бозори ёнида</p>	<p>ОБУНА ИНДЕКСИ — 176</p> <p>Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1032. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ. Адади — 9161</p> <p>Навбатчи — Санобар ФАХРИДДИНОВА</p> <p>Саҳифаловчилар — Илҳом ЖУМАНОВ, Шерзод БАРОҚОВ</p> <p>Мусаҳҳихлар — Саидгани САЙДАЛИМОВ, Камола АҲМЕДОВА</p>
--	--	--	---